

Islom

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал
1-сон. 2014-1435 йил, муҳаррам



ЖОЗИБАЛИ “ДУШМАН”

Кўп ёмон бўлди, дўстларим, кўп ёмон бўлди! Ўзи жуда керакли матоҳ бўлсаям, шу “қўл телефони” деган бало чиқдию, барча инсоний муносабатлар остин-устин бўлиб кетди. Мен унинг одамларнинг қанча-қанча қимматли вақтларини кўкка совуриб юбораётганию қанчалаб оилаларнинг бузилиб кетаётганига сабаб бўлаётгани ҳақида ёзмоқчи эмасман. Мен унинг чўнтақдан қанчалаб нақд пулимизни шилиб олаётганию одамлар ахлоқига қанчалар улкан зарарлар етказаётгани ҳақида ҳам гапирмоқчи эмасман. Мен эътиборингизни бу БАЛОнинг инсонларнинг эрки, хурриятига етказаётган кулфатларига қаратмоқчиман.

Яқинда бир олим киши бизни ифторликка таклиф қилди. Хонадонга кириб, ҳол-аҳвол сўрашилди. Кейин тўкин дастурхон атрофига ўтириб, оғзимизни очдик. Сўнг эса... Уёғи фақат ўша олимнинг қўл телефонига термулган ҳолатда ҳайкалдай қотиб қолганини томоша қилиш ва ора-сира унинг ўғли олиб кираётган таомларни тановул қилиш билан машғул бўлдик, холос. Ифторлик ҳам поёнига етди, ичимиздан кимдир кетишга ижозат ҳам сўради. Шундагина у севимли телефонидан узилиб, хонадонидан ўтирган одамларни биринчи бор кўраётгандай шошиб қолди. “Қаёққа шошпасизлар, ҳали яна таомимиз бор”, деб кўзғолаётган меҳмонларни тўхтатиб қолишга уринди.

Иккинчи воқеани маҳалладаги бир отахон сўзлаб бердилар. “Ўғлим яхши ахлоқли йигит, ота-онани ҳурматлашни ҳам жойига қўяди. Анчагина узоқда турсаям ҳафтада икки-уч марта уйимизга бош сукиб ўтади, ҳолимиздан доим хабардор. Аммо эр-хотин интизор кутган ўғлимизнинг дийдорига тўя олмаймиз, асраб турган гап-сўзларимизни тўкиб сололмаймиз, уйдагиларнинг аҳволидан хабардор бўла олмаймиз. Бунинг сабаби битта – қўл телефони. Ўғил кира соладию ўша телефонига ёпишиб олганича нималарнидир ўқишга тушиб кетади. Олдинига “Ҳа, энди ишхонасида керак бўладиган муҳим нарсаларни кўриб чиқаётган бўлса керак”, деб ўзимизни овутиб юрувдик. Бир куни маълум бўлдики, бизни “кўргани кириб”, аслида биздан тамоман узилганича дунё воқеаларини ёки кулиги латифаларни ўқиб ўтирар экан. Шунда роса жаҳлим чиқиб кетди, “Агар телефонингни уйингга ташлаб келмасанг бизни йўқлагани кирма, бугундан бошлаб сени бу мажбуриятдан халос қиламан”, дедим. Ўшандан буён яна асл ўғлимизнинг асл муносабатини кўра бошладик.

Рухшунослик фанида “мубталолик” деган бир истилоҳ бор. Мубталоликда одам боласи бирор нарсага қаттиқ ёпишиб қолади, бутун фикри-зикри ўша нарсага қаратилган бўлади, ўшасиз бирор сониясини тасаввур қила олмайдиган ҳолга келади. Кимдир чекишга, кимдир маст қилувчи ичимликка, кимдир гиёҳвандликка мубтало бўлиб қолади. Унинг бу балолардан қутилиши жуда оғир кечади, йиллаб халос бўла олмай қийналиб юради. Бор будини, соғлиғини, обрўсинию шаънини ва шарафини ана шу мубталоликка қурбон қилиб юборади. Ҳозирга келиб “қўл телефони мубталолиги” ҳам пайдо бўлди. Агар ишонмасангиз, атрофга бир боқинг: машина ҳайдаб кетаётган ҳайдовчининг қулоғида телефон, дарс ўтаётган муаллимнинг қўлида телефон, мактаб боласининг қўлида телефон, ҳатто никоҳ кечасида ўтирган келин-куёвнинг қўлида телефон... Инсонлар ошхонада хотиржам овқат ея олмайди, чунки бир қўлида қошиқ бўлса, иккинчисида телефон... Севишганлар юрагидаги ҳис-туйғуларини изҳор қилолмай ҳалак, телефон кўнғироғи чалғитаверади. Эр-хотин қачон дастурхон атрофида дилкаш суҳбат курганини эслолмайди, ҳамиша ўртада телефон деган “қоработир”. Олим шогирдига хотиржам дарс беролмайди, гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг телефони фикрининг “белига тепади”. Ҳатто масжидларда ҳам телефон намозлардаги хушў ва хузуъни йўқ қиляпти.

Телефонга мубтало бўлганлар шу даражага етдики, телефони жириңгласа, гапини унутиб, бир сесканиб олади. Ўша телефонини уйида эсдан чиқариб қолдирса, хонумонини бой берган одам аҳволига тушади. Пули ё “заряди” тугаб ишламай қолса, телбага ўхшаб ўзини қаёққа уришни билмай қолади. Кимдир боғлана олмаса, типирчилаб ўтиргани жой тополмайди. Ҳатто айримлар уйқусида ҳам пай-паслаб телефонини қидирадиган ҳолга келиб бўлган.

Ҳой одамлар, ахир бу матоҳ инсонларга қулайлик яратиш, узоғини яқин қилиш учун кашф этилган-ку! Нега унга бунчалик боғланиб қолиш керак? Нега бошқалар учун хурриятингизни, вақтингизни, соғлигингизни, маблағингизни, тоқатингизни, оилавий муносабатларингизни қурбон қилиб юборишингиз керак? Шу ҳақда бир ўйлаб кўриш фурсати, телефон деган БАЛОга мубталоликдан қочиш пайти келмадимикин?

БИР ГУРУХ ЖАННАТДА...

وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لِّنُنذِرَ أُمَّ الْقُرَى وَمَنْ حَوْلَهَا وَنُنذِرَ يَوْمَ الْجَمْعِ

لَا رَيْبَ فِيهِ فَرِيقٌ فِي الْجَنَّةِ وَفَرِيقٌ فِي السَّعِيرِ ﴿٧﴾


“Ана шундай қилиб, сенга шаҳарлар онасини ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учун, у ҳақда ҳеч шубҳа йўқ жамлаш кунидан огоҳлантиришинг учун арабий Қуръонни ваҳий қилдик. Бир гуруҳ жаннатда, бир гуруҳ ловуллаган дўзахда”

(Шўро сураси, 7-оят).

Қадимдан пайғамбарларига ваҳий орқали таълимотларини юбориб турган Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам ваҳий юборди. Ўша ваҳийни юборишдан мақсади бор. Ўша ваҳийни қаерга юборди? Ўша ваҳий қандай ваҳий эди? Ўша ваҳийдан қандай натижалар келиб чиқди? Ушбу оятда ана ўша нарсалар ҳақида сўз кетмоқда.

«Ана шундай қилиб...» яъни аввал ўтган пайғамбарларга қандай қилиб ваҳий юборган бўлсак, ўшандай қилиб... «...сенга шаҳарлар онасини ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учун, у ҳақда ҳеч шубҳа йўқ жамлаш кунидан огоҳлантиришинг учун арабий Қуръонни ваҳий қилдик».

«Шаҳарларнинг онаси» деганда, Маккаи Мукаррама кўзда тутилган. Муқаддас шаҳар бўлмиш Маккаи Мукаррама «Уммул Қуро» («Шаҳарлар онаси») деб аталади. Демак, Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръонни Маккаи Мукаррама аҳолиси ва унинг атрофидаги халқларни огоҳлантириш учун нозил қилган. Маккаи Мукаррама маълум ва машҳур шаҳар. Лекин «унинг атрофи» деганда қайси жойларни тушуниш керак? Бу саволга, хусусан, ушбу оят маъносига ҳам турли жавоб ва тушунчалар бериш мумкин. Аммо кейинги пайтдаги илмий кашфиётлар ушбу оят илоҳий мўъжиза эканини кўрсатади. Баъзи жуғрофия олимлари айнан ушбу оятнинг маъносига ҳамда Қуръон бутун оламлар учун огоҳлантирувчи этиб нозил қилингани ҳақидаги ҳақиқатга эътибор қаратдилар. Уларда «Нима учун бир жойда «Қуръон – бутун олам учун огоҳлантирувчи» дейиладию, иккинчи жойда «Уммул Қуро ва унинг атрофини огоҳлантириш учун» дейилади?» деган савол пайдо бўлди. Илмий изланишлар кўрсатдики, Маккаи Мукаррама ернинг қуруқлик қисмининг қоқ маркази экан. Бу ҳақиқатдан, ояти каримадаги «...шаҳарлар онаси-



ни ва унинг атрофини огоҳлантиришинг учун...» дегани «бутун ер юзини огоҳлантиришинг учун» дегани экани маълум бўлди. Шу кашфиётга асосланиб, дунёнинг ҳамма нуқтасидан туриб, қиблани топиб оладиган асбоб яратилди. Компасга ўхшаш бу асбоб дунёда кенг тарқалди.

Аллоҳ таоло Ўзининг охири дини бўлмиш Исломни мукаммал қилиб юборди. Чунки у қиёматгача туриши керак. Охири дин ҳамма учун умумий диндир. Охири динни маълум бир чегарага боғлаб қўйилса, бўлмас эди. Ислом Аллоҳ томонидан бутун ер юзи учун юборилган диндир. Шундай бўлганидан кейин, унинг бошланиш нуқтаси, асосий маркази бўлиши керак эди. Аллоҳ таоло ўша марказ учун энг муносиб жойни танлади. Ер юзидаги қуруқликнинг қоқ ўртасини танлади. Ер юзидаги энг муқаддас нуқтани танла-

ди. Ўзининг Уйи жойлашган нуқтани танлади. Пайғамбарларнинг отаси Иброҳим алайҳиссаломдан буён ҳаж қилиниб келаётган муқаддас масканни танлади. Ислом нури ҳамма томонга бирдек таралиши учун энг марказий нуқтани танлади.

Қуръонни нозил қилишдан мақсад эса огоҳлантиришдир. Кишиларни, ҳа, бутун дунёдаги кишиларни огоҳлантиришдир. Уларни Аллоҳга иймон келтириш ва Унга ибодат қилиш лозимлиги ҳақида огоҳлантиришдир. Эътиқод қилиш ва амал этиш лозим бўлган бошқа барча нарсалар ҳақида огоҳлантиришдир. Кишиларни куфр ва исённинг оқибати ёмон бўлишидан огоҳлантиришдир.

«...у ҳақда ҳеч шубҳа йўқ жамлаш кунидан огоҳлантиришинг учун...». Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга Қуръони Каримни одамларни қиёмат кунидан, барча инсониятни бир жойга жамлаш Кунидан огоҳлантириш учун нозил қилди. Оятда аввал умумий тарзда огоҳлантириш зикр қилиниб туриб, кейин қиёмат кунини алоҳида тилга олингани бежиз эмас. Қиёмат кунига ва унда бўладиган ишларга иймон келтириш эътиқоддаги энг асосий руқнлардан ҳисобланади. Бу ўта муҳим бир масала бўлганидан алоҳида зикр қилинган.

«...арабий Қуръонни ваҳий қилдик». Аллоҳ таоло Ўзининг охирги ва мукамал динига, инсоният камолига етган пайтида, унга қиёмат кунигача икки дунё саодатини кўрсатувчи қилиб юборган динига, абадий дастур қилиб юборган ваҳийсига араб тилини танлади. Ўта иззатли, ўта ҳикматли бўлган Аллоҳ таолонинг бу ихтиёри ҳам ҳикматга тўла эди.

Аллоҳ таолонинг охирги дини қиёмат қоим бўлгунча туриши керак. Бунинг учун доимий мўъжиза лозим. Ўтган пайғамбарларнинг мўъжизалари шахсларига боғлиқ бўлиб, улар жисман дунёдан ўтишлари билан мазкур мўъжизалари ҳам тамом бўлар эди. Ислом қиёмат қоим бўлгунча қолиши ихтиёр қилингани учун ҳам Аллоҳ таоло Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бош мўъжизалари этиб Қуръонни ирода қилди. Абадий мўъжиза бўлиб қоладиган Китоб учун эса шунга лойиқ тил керак. Бу тил араб тили бўлди. Айнан ушбу тил барча талабларга жавоб бера оларди. Шундай бўлди ҳам. Аллоҳ таоло Қуръонни араб тилида нозил қилди. Уни «мўъжиза» деб эълон қилди. Ўз тилларидан унинг энг нозик жиҳатларигача ҳис қилиб фойдаланадиган арабларни мусобақага чақирди: агар қодир бўлсалар, Қуръонга ўхшаш бир китоб келтиришни, лоақал ўн оятчалик ёки лоақал бир оятчалик нарса келтиришларини таклиф этди. Араблар роса уриндилар, лекин келтира олмадилар. Ҳозиргача келтира олмаптилар. Кундан-кунга Қуръоннинг араб тилида нозил бўлгани унинг абадий мўъжиза бўлиб қолишини ҳар тарафлама таъминлаганига ҳужжат ва далиллар кўпайиб бормоқда.

Ҳа, Аллоҳнинг каломининг фақат арабчаси Қуръон бўлади, Аллоҳ қандай лафз, ҳарф ила нозил қилган бўлса, ўшаниси Қуръондир. Бошқа нарса ҳеч қа-

чон Қуръон бўла олмайди. Ҳеч қачон инглизча, русча ёки ўзбекча Қуръон бўлиши мумкин эмас. Қуръони Карим маъноларининг бошқа бир тилга таржимасини ҳеч қачон «Қуръон» деб бўлмайди. Бундай таржималар араб тилини билмайдиганлар учун Қуръон маъноларини бир оз тушунтириш учун ёрдам, холос. Улар ҳеч қачон Қуръон ҳукмида эътиборга олинмайди. Мазкур таржималарни ҳатто «Қуръон таржимаси» деб ҳам бўлмайди, балки «Қуръон маъноларининг таржимаси» дейилади. Чунки ҳар қандай таржима ҳам Қуръони Каримда келган маънони тўлиқ ифода қила олмайди.

Аллоҳ таоло Ўзининг сўнгги дини таълимотларини баён қилувчи Каломнинг араб тилида бўлишини ихтиёр этгани бежиз эмаслиги асрлар давомида янада равшанроқ аён бўлмоқда. Бошқа илоҳий китобларнинг асл нусхалари, асл тиллари қолмаган. Шунинг учун ҳам ўша китобларнинг умматлари ўз китоблари, динлари ҳақида ихтилофга тушганлар. Улар китобларига ҳам, динларига ҳам ўзгартиришлар киритганлар. Қуръони Карим эса бирор ҳарфи ҳам ўзгармай, собит ва абадий мўъжиза бўлиб турибди.

Аллоҳ таолонинг Маккаи Мукаррамани охирги шариати учун марказ қилиб олиши, араб тилини охирги Китоби учун тил қилиб олиши, арабий бўлган инсон соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар қилиб танлаши ўша ерда яшаётган, ўша тилда гапирадиган, ўша Пайғамбар қавмидан бўлган одамларга Исломга нисбатан алоҳида масъулият юқлар эди. Улар араблар эди. Ўша замонда яшаб турган бошқа қавм ва халқлардан кўра оламшумул Исломнинг масъулиятини кўтариш учун муносиброқ кишилар шулар эдилар. Чунки улар бошқалардан кўра ҳурроқ эдилар. Зеҳнлари ўткир эди. Уларни жамлаб, устиларидан ҳукмини ўтказиб турадиган марказлашган давлатлари ҳам йўқ эди. Уларнинг барчасига бирдек таъсир қиладиган собит дину диёнатлари ҳам йўқ эди. Ҳар ким ўз қўли билан ясаб олган бутга чўқинарди. Шу билан бирга, ўша пайтнинг араблари шижоатли, саховатли, содда одамлар эди. Ушбу шартлар ҳам оламшумул Исломнинг таянч нуқтаси айнан шу жамиятда бўлишини тақозо қиларди. Аллоҳ таоло беҳикмат иш қилмайди.

Аллоҳ Ўзининг оламшумул дини учун танлаган маркази ҳам, Пайғамбари ҳам, тили ҳам, жамияти ҳам тезда ўз натижаларини берди. Ислом жуда оз муддатда бутун дунёга тарқала бошлади. Одамлар эса унга нисбатан икки гуруҳга бўлиндилар: «Бир гуруҳ жаннатда, бир гуруҳ ловуллаган дўзахда». Яъни мўмин-муслимлар жаннатда, кофир ва осийлар дўзахда бўлишади. Бунга Қуръони каримнинг бошқа жуда кўп ояти карималари далолат қилади.

(“Тафсири Ҳилол”дан).

ЛИБОСНИНГ ҲУКМЛАРИ


Муовия ибн Қурра розияллоху анҳудан, у кишининг отасидан ривоят қилинади:

«Музайна гуруҳи ичида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига келдим. Шунда биз у зотга байъат қилдик. У зотнинг кўйлаклари тугмаси бўшатишган эди. Ўшанда мен ҳам у зотга байъат қилдим. Сўнгра кўлимни кўйлаклари ёқасидан киритиб, муҳрларини силаб кўрдим. Урва айтадики, Муовияни ҳам, ўғлини ҳам қачон кўрсам, кўйлакларининг тугмаси ечилган ҳолда кўрдим. Қишда бўлса ҳам, ёзда бўлса ҳам».
(Имом Абу Довуд, Термизий ва Баззор ривоят қилишган).

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шарифнинг ровийи Муовия ибн Қурра розияллоху анҳунинг оталари Қурра ибн Ийас розияллоху анҳу ўз қабиласининг гуруҳига қўшилиб, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига борган экан. Ислонинг қуввати ўсиб, хабари ҳамма томонга тарқагач, Мадинаи Мунавварадаги Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам бошлиқ Ислон давлати тан олиниб атроф-жавонибдаги қабилалар ўз ҳайъатларини Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларига юборишни бошлашган. Ўшанда Музайна қабиласи ҳам ўз ҳайъатини юборган экан. Ўша ҳайъат аъзолари ичида Қурра ибн Ийас розияллоху анҳу ҳам бўлган.

Ҳайъат аъзолари музокаралардан кейин Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламга байъат қилиб, кўл беришган. Жумладан, Қурра ибн Ийас ҳам байъат қилган. У киши розияллоху анҳу Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг кўйлаклари тугмасига алоҳида эътибор берган экан. Одатда улуғ кишилар билан учрашган одамлар шунга ўхшаш ҳар бир нарсага синчковлик билан қарашга интилишади.

«У зотнинг кўйлакларининг тугмаси бўшатишган эди», дейди Қурра ибн Ийас розияллоху анҳу. Албатта, тугма деганда ўша вақтнинг тугма ўрнида ишлатиладиган нарсаси кўзда тутилган. Эҳтимол, кўйлак ёқасининг икки тарафини бир-бирига боғлаб турадиган ип бўлгандир, эҳтимол бошқа нарса бўлгандир. Қурра ибн Ийас розияллоху анҳу



айнан Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёқаларига, ундаги тугмаларига нима учун эътибор берганини келаси жумладан билиб оламиз. «Шунда мен ҳам у зотга байъат қилдим. Сўнгра қўлимни қўйлаклари ёқасидан киритиб муҳрларини силаб кўрдим». Ҳа, гап бу ёқда экан. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки кураклари орасида пайғамбарлик муҳрлари борлиги маълум ва машҳур эди. Яъни, у зотнинг ҳақ Пайғамбар эканликларининг далили сифатида икки кураклари ўртасида тухумсифат шиш бор эди. Кўпчилик ана ўша нарсадан у зотнинг ҳақ Пайғамбар эканларини билиб олар эди. Салмон Форсий розияллоҳу анҳу ҳам аввалги динлар вакилларида шу ҳақдаги хабарни эшитган бўлиб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни биринчи кўрганида “муҳри нубувва”га эътибор берган. Қурра ибн Ийас розияллоҳу анҳу ҳам ана ўша нарсадан хабардор бўлса керак, дарҳол Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёқаларидан қўлини суқиб, муҳри нубуввани силаб кўрибдилар.

Урва айтадики, «Муовияни ҳам, ўғлини ҳам қачон кўрсам, қўйлакларининг тугмаси ечилган ҳолда кўрдим. Қишда бўлса ҳам, ёзда бўлса ҳам». Урва ушбу ҳадиси шарифнинг ровийларидан бири бўлиб, воқеа қаҳрамонининг ўғли Муовия ва Қурра ибн Ийас розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларида кўрган нарсасига, тугмани бўш қўйиб юришга доимий эргашганларини эслатиб қўймоқда. Албатта, бу иш уларнинг шахсий ижтиҳодлари. Ўзларича муҳаббат билан қилганлар. Аммо Ислоннинг буйруғи, ҳамма мусулмонлар амал қилиши зарур бўлган иш эмас. Агар лозиму лобуд бўлганида мазкур икки кишидан бошқа саҳобалар ҳам қилган бўлишар эди.

Кийим тўғрисидаги бошқа масалалар ҳам шунга ўхшаш. Ҳар бир мусулмон, албатта, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кийимларига ўхшаш кийим кийиши фарз ёки вожиб, деб ҳеч ким айтган эмас. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ҳам ҳамма ўзи топган кийимни кийиб юраверган. Шариатга тўғри келмайдиган жойи бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганлар. Мисол учун, эркаклар учун шойи-ипак кийимлар кийиш, шунингдек, манманлик ила кийимни осилтириб юриш ҳаром саналган. Қолган нарсаларда эса: «Модомики сенда икки нарса: исроф ва манманлик бўлмаса, хоҳлаганингни е, хоҳлаганингни кий» қондасига амал қилинган.

Агар кийимнинг ҳар бир нарсасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ўхшаш фарз ёки вожиб бўлганида, ҳамма бир хил кийиниб юрган бўлар, Ислон давлати бир хил кийимли кишилар давлатига айланар эди. Бундай нарса ҳеч қачон,

ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган. Фуқаҳоларимиз — барчаларига Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин — бу масала бўйича келган барча ҳужжат ва далилларни ўрганиб чиққанларидан кейин қуйидаги хулосага келганлар:

«Кийимнинг ҳукми бир нечадир:

1. Фарз.

Бу авратни беркитадиган ва иссиқ-совуқни қайтарадиган кийимдир. У пахта ёки канопдан, ўта нафис билан ўта ёмоннинг ўртасида бўлиши керак (Албатта, қадимги фақиҳларимиз бу гапларни ўз шароитларидан келиб чиқиб айтишган).

2. Мустаҳаб.

Бу авратни тўсиб, зийнатни зоҳир қиладиган кийимдир.

3. Мубоҳ.

Бу жума, ҳайит ва одамлар жамланадиган кунлари яسانيш учун кийиладиган чиройли кийимлардир.

4. Макруҳ.

Бу такаббурлик ва манманлик учун кийиладиган кийим.

Бизга қолса, бешинчи қисмни ҳам зиёда қилардик, 5. Ҳаром.

Бу авратни тўсмайдиган ҳамда эркаклар учун шойи-ипак кийимлар, деган бўлар эдик.

Жоҳилият даврида бошқалар ҳузурида авратни кўрсатиб юриш инсон эҳтиромига ва жамоатчилик одобига зид бўлган ишлардан бири эди. Бу иш ахлоқсизлик бўлиб, жамият аъзолари ичида фасод тарқалишига сабаб бўларди. Ислон инсонни мукарам қилиш бўйича кўрган чоралар ичида либос масаласи ҳам бор. Бу масалада инсоннинг кийиниш маданиятига риоя қилиши ўзи учун обрў ва мартаба экани, гўзаллик ва зийнат экани тушунтирилди.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида: «Эй Одам болалари, батаҳқиқ, сизларга авратингизни тўсадиган либос ва зийнат либосини нозил қилдик. Тақво либоси, ана ўша яхшидир. Ана ўшалар Аллоҳнинг оят-белгиларидандир. Шоядки эсласалар», деган (26-оят).

Инсонни ҳайвондан ажратиб турадиган аломатлардан бири ҳам либос. Одам аврати-айбини беркитиб туриш учун Аллоҳ таоло унга либосни ато қилган. Либоснинг зарури авратни пинҳон тутадигани ҳисобланади. Лекин Аллоҳ инсоннинг авратдан бошқа аъзоларини ҳам тўсиш эҳтиёжи борлигини инобатга олиб, либосни зийнат тарзида нозил қилди. Худди шундай, либосни ўз ўрнида, яъни, шариатга мувофиқ кийган инсон зийнатли ҳисобланади. Аммо энг асосий либос, асли тақво либосидир. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло оятда: «Тақво либоси, ана ўша яхшидир», демоқда.

Агар оддий либос бадан авратларини тўсиб, жисмни зийнатласа, тақво либоси маънавий ав-

ратларни тўсиб, инсон қалбини зийнатлайди. Агар инсоннинг кийим-боши жисмидаги авратларини пинҳон тутиб, унга зийнат бағишласаю, тақво либоси йиртилиб, маънавий авратлари очилиб турса, ундан ёмони йўқ. Ҳозирги кунда кўплар ўзининг тақво либоси башанглигини даъво қилиб, устки авратларининг очилиб қолганига эътибор бермасликка чақиради. Бу жоҳилликдан ўзга нарса эмас. Агар кимнинг тақво либоси ўрнида бўлса, албатта, жисмоний либоси ҳам дуруст бўлади. Зеро, ҳар икки либос – ҳиссий авратни тўсадиган либос ҳам, тақво либоси ҳам: «ана ўшалар Аллоҳнинг оят-белгиларидандир». Яъни, кийим-бош, молу мулк ҳам, ўрни келганда, Аллоҳнинг оят-белгиси ҳисобланади. Ундан ибрат олиш шарт. Шунинг учун, Аллоҳ таоло оятнинг сўнгига: «Шоядки эсаласалар», демоқда.

Одам алайҳиссалом қиссаси тугагандан сўнг у зотнинг зурриётларини олий фазилатларга чақириб келган ушбу ояти каримадаги: «Эй Одам болалари!» деган хитоб шу каби тўрт нидонинг авалидир. Бу дастлабки нидо кийим-бошга боғлиқ. Юқорида айтганимиздек, Аллоҳ таоло кийим-бошни инсонга авратини тўссин, ўзини тузатсин, деб берган. Аммо барча соҳада ҳаддида турмаган одам бу ўринда ҳам турли бузуқликларга йўл қўйди. Баъзилари кийим-бошни фахр ва ғурур воситаси, иккинчилари уни ҳаётдаги асосий мақсад қилиб олди. Қадр-қийматни ҳам кийим-бош билан ўлчаб бошлади. Учинчилари кийимни тор ва юпқа кийиб, ундан кўзланган асосий мақсадни суистеъмол қилишга киришди. Хусусан, тарбиясиз аёллар либосни айна авратни бўрттириб кўрсатиш учунгина кийдилар. Бу ҳол юсак инсоний шарафни ерга уради. Шунинг учун ҳам Ислом бу ишларда ўз таълимотларини жорий қилди.

Либосга оид ҳукмлар:

1. Либос учун ишлатилган мато ипакка ўхшаб шариятда ҳаром қилинган бўлмаса, ҳалолдир.
2. Шаръий йўл билан сўйилмаган, ўзи ўлиб қолган ҳайвонларнинг терисини ошлаб кийим қилиб кийса бўлади.
3. Гўшти ҳалол ҳайвонларнинг жуни, юнги ва мўйнасидан қилинган кийимлар покдир. Унинг тирик ёки ўлик ҳайвондан олингани фарқ қилмайди.
4. Жумҳур фуқаҳо йиртқич ҳайвонларнинг терисини ошлаб кийим қилса жоиздир, деганлар.
5. Модомики ҳаром нарсдан бўлмаса, чиройли кийимларни кийиш мубоҳдир.
6. Жума, ийд ва одамлар жамланадиган йиғинлар учун манманлик ва кибрдан узоқ бўлган ҳолда яسانيш мустаҳабдир.
7. Ким имкони бўлиб туриб, мазкур яسانيшни қасддан тарк қилса, хато қилган бўлади.

8. Оқ рангли кийим мустаҳабдир.
9. Қип-қизил рангли кийим эркаларга макруҳдир.
10. Қора рангли кийим жоиздир.
11. Яшил рангли кийим аҳли жаннатнинг кийими бўлгани учун мустаҳабдир.
12. Турли рангли чизиқлардан иборат матодан бўлган кийим жоиздир.
13. Ҳайвонлар сурати солинган кийим эрка ва аёллар учун ҳаромдир.
14. Хот сурати бор кийимларни кийиш ҳам ҳаром.
15. Жонли бўлмаган нарсаларнинг сурати бор кийимнинг ҳечқиси йўқ.
16. Терининг рангини билдирадиган даражада шаффоф кийим кийиш жоиз эмас. Имом Байҳақий Алқамадан қилган ривоятда айтилишича, Ҳафса бинти Абдурраҳмон Оиша розияллоху анҳонинг олдиларига шаффоф рўмол ўраб кирганида Оиша онамиз йиртиб ташлаб, қалин рўмол ўратиб қўйган эканлар.
17. Одамларнинг одатига хилоф кийим ҳам макруҳдир. Одатда бу каби кийимлар шуҳрат учун кийилади. Бу каби кийим кийганларни бошқалар ғийбат қилади ва гуноҳларига у ҳам шерик бўлади.
- Имом Байҳақий Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар айтилади: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам икки шуҳратдан наҳйи қилдилар. «Эй Аллоҳнинг Расули! Икки шуҳрат нима?» дейишди. «Кийимнинг юпқалиги ёки қалинлиги, юмшоқлиги ва қаттиқлиги, узунлиги ва қисқалиги. Бас, ўшанинг ўртачаси ва тежамлиги бўлсин», дедилар.
18. Абулфараж қуйидагиларни айтади: «Са-лафи солиҳлар ўртача кийим кияр эдилар. Жуда юқорисини ҳам эмас, жуда пастини ҳам эмас. Кийимнинг яхшисини жума, икки ийд ва биродарлар билан учрашувга ихтиёр қилар эдилар. Уларнинг одати бўйича яхши кийим танлаш қабиҳ эмас эди».
19. Имкони бўлатуриб қасддан зоҳидликни ва тақвони кўрсатиш учун хароб кийимларни кийиш мумкин эмас.
20. Ҳанафий ва Шофеъий уламолар олим кийимларнинг кийими жуда яхши бўлиши мандубдир, деганлар. Шу билан бирга, улар кенг ва кўзга ташланадиган кийимларни кийишлари лозим. Бу билан илмнинг мақоми зоҳир бўлади. Одамлар уларни дарҳол таниб, саволларини берадилар.
21. Мусулмон киши қай бир кийимни кийса ҳам ўнг томонидан бошлаши суннатдир. Ечишда чап томонидан ечади.
22. Кийимни кийишда «Бисмиллаҳ...» айтилади ва дуолари ўқилади.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 16-17-жилдлар).

АБУ СУФЁН ИБН ҲОРИС

**“Абу Суфён ибн Ҳорис жаннат
йигитларининг саййидидир”**

(Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам)

Абу Суфён Муғийра ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб (розияллоҳу анҳу) таниқли саҳобалардан. Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) эмиқдош иниларидан эдилар. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) пайғамбар этиб юборилганларида у зотга нисбатан душманлик кайфиятида яшадилар. Шоир бўлганлари сабабли Пайғамбаримизга нисбатан ҳажв қилиб шеър айтар эдилар. Макка фатҳи куни Аллоҳ у кишини Ислом билан шарафлади. Макка фатҳи ва Ҳунайн ғазотида қатнашганлар. Ҳалимлари олдидан аҳлларига қарата: «Мен ўлгандан кейин йиғлаб ўтирманглар чунки Исломга кирганимдан кейин хато қилганим йўқ», дедилар. Сийрат олимларининг айтишларича, Умар ибн Хаттоб халифалик даврларидан ўн етти ой ўтганидан кейин вафот этганлар. Лекин баъзилар: ҳижратнинг 20-йили вафот этганлар, Ҳазрати Умар бу зотга жаноза намози ўқиганлар ва Бақеъ қабристонига дафн қилинганлар, дейишган.

Абу Суфён Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам амакиларининг ўғли бўлиб, отасининг исми Ҳорис эди. Абу Суфён Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эмақдош. Уларни саъдиялик саййида Ҳалима ўз кўкрак сути билан озиқлантирди. Бунинг устига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга пайғамбарлик ваҳийи келишидан олдин Абу Суфён унга яқин дўст эди. Шунингдек, улар ташқи кўриниш жиҳатида ҳам бир-бирига ўхшар эдилар.

Хўш, сиз Абу Суфён ибн Ҳорис билан Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам орасидаги бундай муштақам алоқа ва яқинликка ўхшаш бошқа бирор ҳолатни ҳеч эшитганмисиз? Юқорида ҳолатларга гувоҳ кишилар Абу Суфён Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) даъватларини биринчилардан бўлиб қабул қилиб, унинг Набий алайҳиссаломга тезроқ эргашшни тахмин этган эдилар.

Аммо – тахминлардан фарқли ўлароқ – воқеълик кутилган ҳолатга мутлақо зид келди. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам очиқ даъватга ўтаётган бир пайтда Абу Суфённинг вужудида у зотга қарши чексиз нафрат ва адоват аланга олди. Шу ке-



тишда у Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга йигирма йиллар душманлик қилди.

Шу билан бирга, у кейинчалик, гуноҳ ишларининг жазосини ҳам тортди.

Абу Суфён Макка фатҳидан бир оз аввал мусулмон бўлди. Унинг исломга киришининг ўзи сийрат ва тарих китобларида нақл қилинганидек жуда ҳаяжонли бир қиссадир. Унинг мусулмон бўлиши хусусидаги ҳикоятни ўзи тилидан эшитайлик, негаки, унинг ҳис-туйғулари ойдин, тавсифлари эътиборли ва тўғрироқдир :

“Ислом дини пайдо бўлиб, қарор топгандан кейин Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг Макка фатҳига киришганлиги хабари овоза бўлди. Гарчанд ер юзи нақадар кенг бўлса ҳам, мен учун шу қадар тор жойга айланди. Ўзимга ўзим: “Қаерга бораман, кимни дўст тутаман?” деб тинимсиз савол бера бошладим.

Сўнгра хотиним ва болаларим олдида бориб:

– Маккадан чиқиб кетишга тайёрланинглар, чунки Муҳаммад Маккага яқинлашиб қолди. Мабодо, му-

сулмонлар мени қўлга олишса, шубҳасиз ўлдирадилар, – дедим.

Улар эса менга:

– Сенга араблар ва ажамларнинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга тўла-тўқис таслим бўлиб, унинг динини қабул қилганини англаш вақти етмадимикан? Ҳолбуки, сен уни қўллаб қувватлашинг, унга ёрдам беришинг лозим эди-ку, – деб айтишди.

Улар мени Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам динига тарғиб-ташвиқ қилишдан чарчамадилар. Охир оқибатда Аллоҳ таоло қалбимни ислом нури ила мунаввр қилди. Қалбим очилди. Ёнимга ўғлим Жаъфарни олиб йўлга чиқдим. Икковлон Макка билан Мадина орасидаги Абва томонга кета бошладик. Мен Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ўша ерда эканлигини билар эдим.

Маккага яқинлашгач, ўзимни танитмаслик учун яхшилаб ўраниб олдим, чунки билиб қолишса, Расулulloҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига еткунимча, бориб иймон калималарини айтгунимча ўлдиришлари аниқ эди.

Шу зайлда бир милга яқин йўл юрдим. Мусулмонлар қўшинининг боши Маккага юзланиб тўп-тўп бўлиб, кетма-кет бораверди. Мен саҳобалардан кимдир сезиб қолишдан хавфсираб, улардан кўрққанлигим учун пана-пастқам йўллардан юрдим.

Ўшандай ҳолатларнинг бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга дуч келдим. Унинг кўзи менга тушди, мени таниган заҳоти юзини бошқа тарафга ўгирди. Шунда у ўгирилган томонга ўтиб олдим. У яна юзини бурди. Мен яна унга рўпарў бўлдим. Бу ҳолат бир неча бор такрорланди.

Учрашиб у зотга исломга кирганим айтсам, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳамда унинг саҳобалари севишларига асло шубҳаланмас эдим.

Аммо мусулмонлар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг менга қарамаганини кўришгач, улар ҳам мендан юз ўгиришди.

Бир маҳал Абу Бакрга (розияллоҳу анҳу) дуч келдим, у зот шу заҳотиёқ юзини тескари буриб олди. Умар ибн Хаттобнинг (розияллоҳу анҳу) қалбида меҳр-мурувват уйғотиш илинжида юзига умидланиб қараганимда, у ҳам шартта юзини ўгириб олди. Сўнгра Умар ибн Хаттоб (розияллоҳу анҳу) ансорийлардан бирини мени олдимга юборди. У менга:

– Эй Аллоҳнинг душмани, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва унинг саҳобаларига озор берган сен эмасмидинг? Сен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қарши адоват уруғини ер юзига, машриқдан то мағрибгача сочдинг, – деди.

Ансорий ана шундай сўзларни айтаверди, тева-рак-атрофдаги мусулмонлар эса менга нафрат билан қараб турар, менинг аянчли аҳволимни кузатар эдилар.

Бир пайт амаким Аббосга кўриб қолдим, унга илтижо билан шундай дедим:

– Эй амаки, мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга яқинлигим, қавмимдаги обрў-эътиборим боис исломга кирганлигим билан у зотнинг хурсанд бўлишларини умид қилган эдим. Аммо аҳволни ўзингиз кўриб турибсиз. У зот мендан рози бўлиши учун ўзингиз бир ҳаракат қилинг.

– Йўқ, йўқ. Аллоҳга қасамки, унинг сендан юз ўгирганини кўрдим. Бирор сўз айтишга ботинолмайман. Аммо қулай бир фурсатни пойлаш керакдир, эҳтимол. Чунки мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳурмат қиламан ва қадрлайман, – деди.

Мен эса :

– Эй амаки, мени кимларга ташлаб қўясиз? – дедим.

У қатъий туриб:

– Сенга фикримни айтдим, бошқа ишим йўқ, – деди.

Шунда бутун вужудимни ғам-қайғу ва ҳасрат эгаллаб олди. Бир маҳал амаким Абу Толиб ўғли Алини кўриб қолдим. Уни ҳолатдан бохабар қилдим. Али ҳам амаким Аббос фикрига яқин гапни айтди.

Шунда яна амаким Аббосга му-рожаат этдим.

– Эй амаки, агарда сен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қалбларини менга нисбатан юмшатишга қодир бўлмасанг, мени ҳақоратлаган ва одамларни менга

қарши қайраган кишидан ҳимоя қилгин, – дедим.

– Ким экан у? – деди амаким.

Мен уни тавсифладим. Шунда у:


– Бу Нуъаймон ибн Ҳорис Нажжорийдир, – деди.

Сўнгра уни ёнига чақиртириб:

– Эй Нуъаймон, бу Абу Суфён Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам амакисининг ҳамда менинг амакимнинг ўғлидир. Агар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ундан бугун норози бўлса, бир кун келиб рози бўлади. Сен уни тинч қўй, – деди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаҳвага (Макка билан Мадина оралиғидаги бир жой) тушгач, уйи эшиги олдида ўтириб олдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйдан чиқди. Мени кўриб, шу заҳоти юзини тескари буриб олди. Аммо мендан рози бўлишларидан асло ноумид бўлмадим. Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қаерни манзил тутса, ўша ерга бориб, эшигининг олдида ўтириб оладиган бўлдим. Ўғлим Жаъфарни эса ёнимда турғазиб кўяр эдим. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар доим мени кўрганида юзини ўгириб олар эди. Охири бу ишлар менга малол келди, юрагим сиқилди. Шундан кейин хотинимга айтдим:

– Аллоҳга қасамки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ё мендан рози бўлади ёки шу ўғ-



лим Жаъфарни ёнимга оламан-да, сўнгра то очлик ва чанқоқликдан бирон ерда ўлгуниimizча, бошимиз оққан тарафга кетаверамиз.

Бу гапим Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга етиб боргач, менга нисбатан у зотнинг кўнгли бироз юмшади. Бир куни чодирдан чиққан пайтда менга аввалги қарашларига нисбатан юмшоқроқ назар ташлади. Мен у зотнинг табассумидан умидвор эдим.

Вақти етиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Маккага кирди. Мен унинг жамоасида ҳозир бўлдим. У кишидан бир сония ҳам ажралмадим.

Хунайн кунида мушрик араблар Муҳаммад соллаллоху алайҳи васалламга қарши уруш учун жамланди. Улар илгари бунча кўп тўпланмаган эди. Душманларнинг ҳозирлигининг сабаби, улар ўша куни Ислом дини ва мусулмонларни йўқотиш куни бўлишини ният қилган эди.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ўз саҳобалари даврасида улар билан урушиш учун йўлга чиққанларида мен ҳам бирга эдим. Мушрикларнинг жуда катта жамоасини кўрганимдан кейин ишонч билан дедим:

– Аллоҳга қасамки, бу кун Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга мендан ўтган адоватларнинг ҳаммасини, гуноҳларнинг барини ювишга яраша иш қиламан. Менинг изларимда Аллоҳ таоло ва ўзи рози бўладиган белгиларни, албатта кўради.

Икки жамоа учрашиб, мушрикларнинг мусулмонлар устига ҳамласи кучайди. Одамлар Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам ёнидан ҳар томонга тарқалаётган бир маҳалда биз мағлуб бўлишимизга оз қолди.

Шунда ҳам Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам (отам ва онам унга фидо бўлсин) сариқ хачирида гўё кўзгалмас тоғдек жанг майдонида собит турар ва қиличини қинидан чиқариб, душманлардан ўзини ҳимоя қилар эди. Шу пайт мен отдан сакраб тушиб, қиличимни қинидан чиқардим. Амаким Аббос Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам хачирининг юганини тутганича у кишининг бир тарафида ва мен иккинчи тамонида турар эдик. Ўнг қўлимда қилич билан Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламни ҳимоя қилдим. Чап тарафим унинг хачири билан тўсилган эди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам душманлар билан аёвсиз олишаётганимни кўргач, амаким Аббосдан: «Ким бу?» деб сўрабдилар. Амаким:

– Бу биродаринг ва амакингнинг ўғли Абу Суфён ибн Ҳорисдир, эй Аллоҳнинг Расули, ундан рози бўлгин, – деди. Шунда Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам:

– Мен ундан розиман ва Аллоҳ ҳам унинг барча душманликларини кечирсин, – дедилар.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг розиликлари туфайли менинг қалбим шодликка тўлди. Унинг оёқларини ўпиб олишдан ўзимни тия билма-

дим. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам менга қараб :

– Эй биродарим, ҳаётимга қасамки, бор энди, урушгин,-дедилар.

У кишининг бу сўзлари кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Мушриклар устига жон-жаҳди билан ҳамла қилдим. Уларнинг сафларини парчаб ташладим.

* * *

Абу Суфён Хунайдан кейин Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламнинг розиликлари билан неъматланиб қолди. Унинг қимматли суҳбатларидан баҳраманд бўлди. Лекин Абу Суфён қилган ишларидан уялиб, ҳижолат чекиб, у зотнинг юзларига ҳеч қачон тик қарай олган эмас. Абу Суфён одамларни Аллоҳнинг нуридан тўсиб ўтказган қора кунлари учун афсус-надомат чекди, кеча-кундуз Қуръони карим оятлари тиловатига қаттиқ киришди. Қалби китобнинг панд-насиҳатлари билан тўлиб тошди.

Абу Суфён дунё ва унинг гўзаллигидан юз ўгирди. Бутун борлиғи билан Аллоҳга юзланди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бир сафар масжидга кирганларида уни кўриб, Оиша розиаллоху анҳодан:

– Эй Оиша, бу ким биласизми? – деб сўрадилар.

– Йўқ, эй Расулulloх (соллаллоху алайҳи васаллам).

– Бу амакимнинг ўғли Абу Суфён ибн Ҳорисдир. Мен унинг ҳаммадан олдин масжидга келиши ва энг охирида чиқиб кетишини кўраман, у кўзини ердан узмайди.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам вафот этгач, Абу Суфён худди она биргина ўғлидан ажралиб қолганидек маҳзун бўлди, жуда кўп йиғлади. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам вафотларига бағишлаб бир марсия ёзди. Абу Суфён асарларининг тожи бўлмиш бу марсия чуқур қайғу ва изтиробга тўлиб-тошган, чексиз ҳасрат ва нолаларни ўзида ифодалаган эди.

Умарул-Форук (розиаллоху анҳу) халифалиги даврида Абу Суфён ўз ажалининг яқинлашганини ҳис қилиб, ўз қабрини ўзи қазиди. Ана шу тайёргарликдан уч кун ўтиб, гўё ваъдалашиб қўйилганидек ўлим етиб келди.

Абу Суфён хотини, болалари ва қариндошларига қарата айтган эди: “Мен учун йиғламанглар. Аллоҳга қасамки, Исломга кирганимдан кейин гуноҳлардан холи бўлдим”.

Шундан сўнг унинг пок руҳи танасини тарк этди. Унга Форук (розиаллоху анҳу) ва бошқа улуғ саҳобийлар (Аллоҳ улардан рози бўлсин) жиноза ўқишди; ундан айрилганлари учун ғамгин бўлишди. Мусулмонлар бу ўлимни Ислом ва унинг аҳли учун катта мусибат ҳисобладилар.

Баҳодир НУРМУҲАММАД тайёрлади.

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ҲУКМЛАРИ

9-ДАРС

- 1) Масжид одоблари
- 2) Масжидда бажариш макруҳ бўлган амаллар
- 3) Витр намози
- 4) Нафл намози
- 5) Фарз билан бирга ўқиладиган суннатлар
- 6) Таъкидланган суннатлар
- 7) Таъкидланмаган суннатлар
- 8) Намоздан сўнг ўқилиши ворид бўлган зикрлар

7. Намоз ўқиётган кишининг олдидан кесиб ўтмаслик, хусусан, жума кунлари одамларнинг елкаларидан ошиб олдинги сафга ёриб ўтмаслик лозим. Чунки булар ҳаромга яқин макруҳлардандир.

8. Покликка риоя қилиш.

9. Масжидга бадбўй ҳид билан кирмаслик. Мисол учун пиёз, саримсоқ, нос, сигарет каби нарсаларни истеъмол қилиб, сўнг масжидга кирса, ўздан келаётган сассиқ ҳид билан намозхонларга озор беради. Бу ҳам ҳаромга яқин макруҳлардан ҳисобланади.

10. Масжидда виқор ва осойишталик билан юриш, ҳовлиқиш ва шошқалоқликдан сақланиш лозим. Агар жамоатга ёки бирор ракатга кеч қолаётган бўлса ҳам шошилмаслик даркор. Секин-асталик билан жамоатга келиб қўшилади (Ета олмаган ракатларини юқорида баён қилганимиздек ўқийди).

11. Сафардан қайтган кишининг ҳам дастлаб масжидга тушиши масжид одобларидандир.

Масжидда бажариш макруҳ бўлган амаллар
Улар қуйидагилардир:

1. Масжиднинг ичидан узрсиз йўл қилиб олиш макруҳ.

2. Масжидда ухлаш макруҳ, аммо эътикоф ўтирувчи ёки жойи йўқ мусофирнинг масжидда ухлаши макруҳ эмас.

3. Эътикоф ўтирувчи кишилардан бошқалар учун масжидда овқатланиш макруҳ.

4. Зикр-тасбеҳларда овозни кўтариб намозхонларга халақит бериш ёки ухлаганларни уйғотиб юбориш макруҳ. Агар намоз ўқиётган кишига халақит бермаса, ухлаб ётганларни уйғотиб юбормаса, масжидда жаҳрий Қуръон ўқиб, Аллоҳни зикр қилиш афзалдир, чунки жаҳрий зикрда зокирнинг қалби уйғоқ туради, уйқуси қочиб, ибодатни сергаклик билан адо этади.

5. Масжидга дунё ишларидан бўлган гап-сўзларни гаплашиш учун кириш макруҳ.

6. Масжидда олди-сотди қилиш макруҳ.

7. Таҳоратини ушлаб туролмайдиган, масжидни нажосат қилиб қўйиш эҳтимоли бўлган гўдакларнинг ҳам масжидга кириши макруҳ.

8. Масжидга тупириш ва бурун қоқиш ҳам макруҳ.

9. Йўқотган нарсасини масжидда эълон қилиш ҳам макруҳ.

10. Масжидда шеър айтиш ҳам макруҳ. Аммо ҳаққа даъват қилиш, ҳикматли сўзлар билан Аллоҳнинг неъматини эслатиш, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам сифатларининг зикри, тақводорларнинг сифатлари ва шунга ўхшаш мавзулар бўлса, шу шеърдан даъват асносида фойдаланиш яхшидир.

11. Масжид ичида тиланчилик қилиш ёки тиланчига пул бериш ҳам макруҳ.

12. Масжидда таҳорат қилиш ҳам макруҳ. Аммо масжид ҳовлисида алоҳида таҳорат учун жой тайёрланган бўлса, у ерда таҳорат қилиш макруҳ эмас.

Витр намози

Витр намози уч ракатни бир салом билан тугатдиган намоз бўлиб, уни хуфтондан кейин ўқиш вожибдир. Витрнинг ҳамма ракатида сураи Фотиҳа билан қўшиб қисқа бир сура (ёки узун оятдан бир оят, қисқа оятлардан уч оятни) зам қилиш лозимдир. Биринчи ракатда Фотиҳадан кейин Аъло сурасини, иккинчи ракатда Кафирун сурасини, учинчи ракатда Ихлос сурасини зам қилиш суннат амаллардан ҳисобланади. Ушбу кўринишни қилиб юриш мустаҳаб бўлса-да, доим қилмаган маъқул. Чунки авом халқ буни вожиб, деб тушуниб қолиши мумкин. Витрда ҳам худди шом намозидаги каби иккинчи ракатдан сўнг қаъда ўтириб, ташаҳҳуд ўқиладиган ва такбир билан учинчи ра-



катга турилади. Учинчи ракат ўқиб бўлингач эса, икки қафт қиблага юзлантирилиб, кулоқ баробар кўтарилади. Шу билан бирга бошланишидаги каби такбир ҳам айтилади, бу такбирни айтиш эса вожибдир. Такбирдан сўнг эса икки қўлини боғлаб киндик остига қўяди ва маъсур бўлган кунут дуосини махфий ўқийди. Кунут дуоси ушбудир: «Аллоҳумма инна настаъийнука ва настаҳдийка ва настағфирука ва натубу илайка ва нуъмину бика ва натаваккалу ʼалайка ва нусний ʼалайкал хойро куллаҳ, нашкурука ва ла накфурука ва нахлаъу ва натруку май яфжурук. Аллоҳумма иййака наъбуду ва лака нусоллий ва насжуду ва илайка насъа ва наҳфиду ва наржу роҳматака ва нахша ʼазабака инна ʼазабакал жидда билкуффари мулҳиқ».

Маъноси: «Аллоҳим, Сенинг ёрдам беришингни, ҳидоят қилишингни, гуноҳларимизни кечишингни сўраймиз. Сенга тавба қиламиз, Сенга иймон келтирамиз ва Сенга таваккал қиламиз. Яхшиликларнинг барчаси ила Сенга сано айтамиз. Сенга шукр қиламиз, ношукрлик қилмаймиз. Сенга фожирлик қилганлардан четлашиб, уларни тарк қиламиз. Аллоҳим, Сенгагина ибодат қиламиз, Сен учун намоз ўқиймиз ва сажда этамиз. Ва Сенинг йўлингда саъй-ҳаракат қилиб, раҳматингни умид қиламиз. Азобингдан қўрқамиз. Албатта, шиддатли азобинг кофирларга рўпара қилинувчидир». (Ибн Абу Шайба ривояти).

Кунут дуосини ўқиш вожибдир. Агар ушбу дуони билмаса, то ўргангунча қуйидаги дуоларни ҳам ўқиб турса бўлади:

“Роббана атина фид дуня ҳасанатав ва фил ахироти ҳасанатав ва қинаа азабан нар”.

“Роббиғфирлий, Роббиғфирлий, Роббиғфирлий, Я Робб, Я Робб, Я Робб”.

Агар кунут дуосини ўқиш эсидан чиқиб рукуъ қилиб қўйса, уни ўқиш учун яна орқага қайтмайди ва рукуъда ҳам бу дуони ўқимайди, балки намозини давом эттиради. Намоз охирида ўнг томонига салом бергач, саҳв (эсдан чиқарганлик) саждасини қилади.

Агар Фотиҳадан кейинги зам сура билан кунут дуосини эсдан чиқариб, рукуъга борган бўлса, у қиёмга зам сура билан кунутни ўқиш учун қайтади. Сўнг яна рукуъ қилиб намозини давом эттиради, намоз охирида эса саҳв (эсдан чиқарганлик) саждасини қилади. Иқтидо қилувчи ҳам имом каби кунут дуосини махфий ўқийди. Агар имом муқтадийнинг кунут дуосини ўқиб бўлмасидан олдин рукуъ қилса, қолган жойини тарк қилиб, имомга эргашади. Чунки имомга эргашувчи учун кунутни охирига етказиб қўйиш мандуб бўлса, имомга эргашуш вожибдир. Агар имомга эргашувчи имомга учинчи ракатнинг рукуъсида етиб иқтидо қилса, учинчи ракатни топганлигига кўра, ҳукмда у кунутни ҳам ўқиган ҳисобланади ва имом ўқиб ўтган кунутни имомга эргашувчи қайтариши шарт эмас. Намозхон витрдан бошқа намозларда кунутни ўқимайди, фақат шиддатли кунларда бомдод намозининг рукуъсидан қайтгач, ўқиш суннатдир. Витрда эса рукуъдан олдин ўқилади. Лекин кунут ҳамма вақт ҳам



ўқилавермайди. Шиддатли кунлардаги бомдодда кунутни имом жамоат билан бирга ўқиши суннат. Агар имом кунутни жаҳрий ўқиса, имомга эргашувчи фақат омин деб туради.

Агар ҳанафий мазҳабидаги азизлар шофеъий мазҳабидаги биродарларга бомдод намозида иқтидо қилишса, имом рукуъдан қайтгач кунутни ўқиса, имомга эргашуш вожиблиги учун икки қўлни ёнига ташлаб жим туришади ва имом намозни адо қилишига қараб булар ҳам тугатишади. Витрнинг вақти шафақдаги қизиллик ва оқлик йўқолганда киради. Витрни хуфтондан сўнг ўқиш вожибдир. Чунки намозлар ўртасидаги тартибга риоя қилиш ҳам вожибдир. Агар эсидан чиқиб хуфтондан олдин витрни ўқиб қўйса, витрни ўқиган ҳисобланади. Хуфтондан сўнг уни қайтариб ўқимайди. Худди шунингдек, агар хуфтон билан витрни ўз тартибида ўқиган бўлса-ю, кейин хуфтоннинг бузилгани билинса, шу хуфтоннинг ўзини қайтариб ўқийди, витрни эса бузмагани учун қайтариб ўқимайди. Чунки мана шу каби узр билан тартибга амал қилишнинг вожиблиги соқит бўлади. Кечанинг охирида уйғонишга ишончи бўлган киши учун витрни шу пайтга кечиктириши афзалдир. Аммо ухлаб қолиш эҳтимоли кўпроқ бўлса, хуфтондан кейин витрни ўқиб олиш маъкул ҳисобланади. Киши витрни эсидан чиқариб ёки қасддан ва ё ухлаб қолиб вақтида ўқий олмаса, унинг қазосини ўқиш вожибдир. Витрни тик туришга қодир бўлатуриб ўтириб ўқиш жоиз эмас. Тик туришга қодир бўлатуриб ўтирган ҳолда суннат ва нафл намозларнигина ўқиш жоиз бўлади. Чунки бу намозларда қиём вожиб эмас, балки суннатдир. Аммо витр намози вожиб бўлиб, ундаги қиём туриш ҳам вожибдир. Витр намози фақат рамазон ойидагина жамоат ҳолида жаҳрий ўқилади. Рамазондан бошқа ойларда витрни жамоат бўлиб ёки жаҳрий ўқиш шариатда йўлга қўйилмаган.

Нафл намози

“Нафл намози” деб киши ўз ихтиёри билан фарзга қўшимча тарзда ўқийдиган намозга айтилади. Бу на-

мозни Аллоҳ таоло мўминлар зиммасига фарз каби мажбурий қилмаган, балки ихтиёрий суратда адо этилса савоб бўлади.

Нафл намозлари икки хил бўлади:

1. Беш вақт фарз намозларига тобе бўлган нафллар. Булар фарзлардан олдин ёки кейин ўқиладиган намозлар бўлиб, улар “суннати равотиблар” дейилади.
2. Беш вақт намозлардан ташқари мустақил ўқиладиган намозлар. Булар жумласига зуҳро, таҳажжуд, ҳожат сўраш ва бошқа намозлар киради.

Фарз билан бирга ўқиладиган суннатлар
Булар ҳам ўз ўрнида икки қисмга бўлинади:

1. Бажариш кўп бор таъкидланган суннатлар. Булар “суннати муаккадалар” дейилади.
2. Қилиш таъкидланмаган суннатлар.

Таъкидланган суннатлар

Улар қуйидагилардир:

1. Бомдод намозининг фарзидан олдинги икки ракат суннат. Ушбу намозда Фотиҳадан сўнг биринчи ракатга Кафирун сурасини, иккинчи ракатга Ихлос сурасини зам қилиш ҳам суннат амалларидандир. Агар жамоат бомдоднинг фарзини ўқиш учун турсаю, кечроқ келган киши ҳали суннатини ўқимаган бўлса, фарзга етиб олишга кўзи етса, шу суннатни ўқиб олишга киришади. Агар фарзга ҳам етолмасликка ишонса, суннатни тарк қилади ва жамоатга қўшилади. Фарздан сўнг эса суннатнинг қазосини ўқимайди. Чунки бомдоднинг фарзидан кейин нафл намоз ўқиш макруҳдир. Агар жамоат фарз намозини ўқиш учун қўзғалса, бомдоднинг суннатида бошқа намоз ўқилмайди. Чунки бомдоддаги суннатни фарздан олдин ўқиш ниҳоятда кўп таъкидлангандир. Агар бир киши ухлаб қолиб умуман бомдодни қазо қилса, қуёш чиқиб найза бўйи кўтарилгандан сўнг фарзга қўшиб, суннатнинг ҳам қазосини ўқийди. Аммо бомдоднинг фарзини ўз вақтида ўқиган бўлсаю, суннатини тарк қилган бўлса, қуёш чиққандан кейин ҳам бу суннатнинг қазосини ўқиш шарт эмас.

2. Пешин намози фарзидан олдинги тўрт ракат. Бу бомдоднинг суннатида кейинги ўринда турадиган таъкидли суннатдир.

3. Пешин намозидан кейин икки ракат, жума кунлари эса икки ракатли жума намозидан олдин тўрт ракат, кейин ҳам тўрт ракат ўқиш таъкидланган суннатдир.

4. Шом намозидан кейин икки ракат.

5. Хуфтондан кейин ўқиладиган икки ракат. Суннат намозларининг ҳар бир ракатида Фотиҳадан кейин зам сура ўқиш вожиб экани эсингиздан чиқмасин.

Таъкидланмаган суннатлар

1. Пешиндан кейинги икки ракатли суннатдан сўнг ўқиладиган икки ракатли намоз.

2. Асрнинг фарзидан олдинги тўрт ракатли намоз.

3. Шомдан кейинги олти ракатли намоз. Икки ракати муаккада, тўрт ракати мустаҳаб.

4. Хуфтоннинг фарзидан олдинги тўрт ракатли намоз.

Таъкидланмаган суннатларда таъкидланган суннатлардан икки амал ортиқча бўлади:

а) аввалги қаъдада ташаҳхуддан кейин саловот ўқилади;

б) саловот ўқилгач, учинчи ракатга турилади, шу ракат сано дуоси билан бошланади. Фарз намозлари билан улардан кейин ўқиладиган суннатларни орқама-кетин қўшиб ўқимай, балки «Аллоҳумма антассалом ва минкассалом табарокта йа зал жалали вал икром» дуосини ўқиш билан орасини ажратади. Аммо намознинг фарзидан кейин ўқиладиган зикрларни суннатдан сўнг ўқиш инкор қилиб қайтарилмайди. Чунки суннатлар фарз намозларининг қўшимчаларидир. Ҳаргиз улардан бегона эмас. Шундай экан, зикрларни суннат намозларини ҳам ўқиб бўлгандан кейин айтишнинг ҳеч қандай зарари йўқ.

(Изоҳ: замонамиз олимларидан Ваҳба Зухайлий ўзининг «Испомий фикҳ ва унинг далиллари» номли китобида «Намоздан кейинги зикрлар қачон қилиниши керак?» деган мавзуда баҳс юритиб, пешин, шом ва хуфтонга ўхшаш намозларда зикр ва дуоларни суннатлардан кейин бажариш афзал, деганлар).

Намоздан сўнг ўқилиши ворид бўлган зикрлар

Ҳар вақт намоз суннатлари ҳам ўқиб бўлингач, уч маротаба астағфируллоҳ, деб Аллоҳга тавба қилиш мустаҳабдир. Сўнг оятал Курсий ўқилади, кейин Қуръоннинг охиридаги учта сура ўқилади. Бу уч сура муаввизатайн, деб номланади. Сўнггра «Аллоҳумма аъинни алаа зикрика ва шукрика ва хусни ъибадатик» дейилади.

Кейин ўттиз уч марта «Субҳаналлоҳ», ўттиз уч марта «Алҳамдулиллаҳ», ўттиз уч марта «Аллоҳу акбар» деб, охирида: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодир» дейиш билан юзта қилиб қўяди. Булардан сўнг: «Аллоҳумма ла маниъа лима аътойта ва ла муътия лима манаъта ва ла янфаъу зал жадди минкал жадд», дейди. Икки қўлини кўтариб, ўзи ва барча мусулмонларнинг ҳаққига хоҳлаганча дуо қилади, Қуръон ва ҳадисда собит бўлган дуолар билан дуо қилиши афзал ҳисобланади.

Дуодан кейин қўлини юзига суртади. Бомдод намозидан кейин эса юқоридаги дуолардан ташқари: «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодир»ни ўн марта айтилади. Бомдод ва шомдан кейин яна: «Аллоҳумма ажирний минаннар», яъни «Аллоҳим, мени дўзахдан сақла» дуосини етти мартадан зикр қилади. Ушбу дуоларнинг барчаси Пайғамбаримизнинг саҳиҳ ҳадисларида ворид бўлган.

Аброр МУХТОР АЛИЙ тайёрлаган.

КЎРИШИШ ОДОБЛАРИ

Инсон ҳаётда доимо бошқалар билан учрашишга, улар билан мулоқот қилишга муҳтож. У турли ҳолатларда турли табақадаги, турли суратдаги инсонлар билан учрашади. Бу жараёни гўзал суратда, завқли бир ҳолатда ўтказиш нақадар яхши! Хусусан, бунга мусулмон киши ҳаммадан кўра ҳақли ва бурчли ҳисобланади. Зеро, динимизда бу борада ҳам энг тўғри ва гўзал таълимотлар баён қилинган. Бу хусусда ҳам инсоният учун энг олий намуна – Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

“Кўришиш” деганда кишиларнинг қўл олиб кўришишлари ёки қучоқ очиб бир-бирларини бағрига босиш каби ҳолатлар назарда тутилади. Кўришиш – дўстона муносабатлар белгиси, меҳр-муҳаббат, аҳду вафо ва қўтлов рамзидир. Кўришиш – қалбларни улфат қилувчи, ўзаро ишончни мустаҳкамловчи омилдир. Кўришганда томонларнинг ҳис-туйғулари ҳам тўқнашади, улар бир-бирларига ҳар қачонгидан ҳам кўра яқинроқ келадилар.

Кўришиш деярли барча халқларда бор. Уларнинг ҳар бирида бу одат ўзларининг умумий дунёқарашлари, эътиқодлари асосида турлича шаклланган. Кўпчилик миллатларда кўришиш шакллари ва меъёрлари асосан уларнинг ўз кўникмалари ва одатларига кўра жорий қилинган. Мусулмонларда эса ҳаётнинг ушбу жабҳаси ҳам Аллоҳ таолонинг кўрсатмаларига кўра йўлга қўйилган.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам илоҳий таълимотлар асосида инсонлар ҳаётини ислоҳ қилар эканлар, ўша даврда кишилар ўртасида мавжуд бўлган одатларнинг яхшиларини маъқуллаб, қарор топтириб, номаъқулларини рад этиб, ўрнига яхши одатларни жорий қилдилар. У зот алайҳиссаломнинг бундай фаолиятлари кўришиш хусусида ҳам акс этди.

Муҳаддисларимиз ўзларининг ҳадис тўпламларида ушбу мавзуда ворид бўлган ҳадис ва асарларни ривоят қилганлар. Уламоларимиз уларни шарҳлаганлар, тафсилотларини баён қилганлар. Фақиҳларимиз бу соҳага тегишли ҳукмларни ўз асарларида батафсил муолажа қилганлар. Уламоларимиз одоб-ахлоққа доир китобларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтганлар.

As Salam Aleykum



sm/sakalayn

Хуллас, сиз билан биз – мўмин мусулмонлар бу борадаги энг мукамал ва тўғри таълимотларга, кўрсатмаларга эгамиз. Барчаси батафсил айтиб қўйилган, уларни ўрганиб, ҳаётимизга татбиқ этсак бўлди, иншааллоҳ, икки дунё бахту саодатига эришамиз. Бошқа халқларнинг маданиятларига, ўзларича ўйлаб топган урф-одатларига эҳтиёжимиз йўқ. Биздаги меъёрлар илоҳий таълимотлар асосида, одоб-ахлоқ доирасида жорий қилинган бўлиб, уларни ҳеч қачон бошқа меъёрларга алиштириб бўлмайди. Уларга тенг келадиган бирор кўрсатма топилмайди ҳам.

Ислом таълимотига кўра, кўришиш саломлашишни тўлдирувчи ҳолат ҳисобланади. Шу билан бирга, саломлашишсиз фақат кўришишнинг ўзи билан чекланиш қораланади. Кўришиш саломлашиш баробарида бўлиши лозим.

Кўришганда қўл қўлга ёки кўкс кўксга тегиши керак. Бир-бирига энгашиш, бош чайқаш кўришиш ҳисобланмайди, ишора билан саломлашиш бўлади. Исломда одатий кўришиш қўл олиб кўришишдир, қучоқ очиб кўришиш эса маълум ҳолатлардагина бўлади.

Ибн Можа Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Биз: «Эй Аллоҳнинг Расули, бир-биримизга эгилайликми?», дедик. У зот: «Йўқ», дедилар. «Бир-биримизни қучоқлаб кўришайликми?», дедик. У зот: «Йўқ, балки қўл бериб кўришинглар», дедилар».

Имом Термизий ривоятида ҳадис қуйидагича келади: «Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир одам: «Эй Аллоҳнинг Расули, бизлардан бир киши биродари ёки дўсти билан учрашганда унга эгиладими?» деди. У зот: «Йўқ», дедилар. У: «Бўлмаса, уни қучоқлаб, ўпадими?», деди. У зот: «Йўқ, қўлини олиб кўришади», дедилар».

Ушбу икки ҳадис биз ўрганаётган мавзуда асос манбалардан ҳисобланади. Улардан бир қанча хулосаларни олиш мумкин. Бу ҳадисларда ўзаро эгилиб, қучоқлашиб ёки ўпишиб кўришишдан қайтарилмоқда. Аммо уламоларимиз бу борадаги бошқа ҳадис ва хабарларни ўрганиб чиқиб, қуйидагича фикрга келганлар:

а) бу ерда бир-бирига эгилиб кўришиш деганда айрим халқлардаги каби таъзим қилиш шаклида кўришиш, шунингдек, белни букиб, рукуъга яқин тарзда эгилиш назарда тутилган. Бироқ, қўл бериб кўришганда биров таъзим қилишнинг зарари йўқ. Айниқса бу кишилар ўртасида урфга айланган бўлганда. Аммо буни ҳаддан ошириб юбормаслик, қоматни букмаслик керак. Зеро, инсонга таъзим қилишда чегарадан чиқиш динимизда қаттиқ қораланади. Қолаверса, ўзини заиф кўрсатиш мусулмон кишига фазилят ҳисобланмайди, аксинча, нуқсон ҳисобланади ва ярашмайди ҳам.

б) ушбу ҳадисдан қучоқлашиб кўришиш жоиз эмаслиги келиб чиқади. Бу маънода бошқа ҳадислар ҳам бор. Шу боис айрим уламолар, жумладан, имом Нававий қучоқлашиб кўришини танзиҳий макруҳ, яъни одобсизлик санаган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳидан ҳам шу маъно нақл қилинган. Имом Муҳаммад ҳам шу сўзни айтган. Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳи эса жоиз деб билган.

Аслида қучоқлашиб кўришишдан қайтаришда фитна хавфи бўлиши, номуносиб ҳолатларда, масалан, кийимсиз бўлганда кўришиш ҳамда буни доимий кўришишга айлантириш каби вазиятлар назарда тутилган. Бинобарин, уни қўл бериб кўришишнинг ўрнига қўймаслик керак, балки унга қўшимча қилиш керак. Айниқса, узоқ муддат учрашмай юриб кўришганда, сафардан келганда, соғинч ва муҳаббатнинг изҳори сифатида ва бошқа шу каби ҳолатларда қучоқлаб кўришиш мумкин. Чунки Зайд ибн Ҳориса розияллоҳу анҳу сафардан келганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у киши билан қучоқлашиб кўришиб, бағирларига босганлар. Шунингдек, Жаъфар розияллоҳу анҳу Ҳабашистондан қайтганда ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у билан қучоқ очиб кўришганлар.

Имом Абу Довуд бу ҳақда қуйидаги ривоятни келтиради: «Абу Зарр розияллоҳу анҳу Шомдан кетаётган пайтда аназалик бир киши: «Мен сендан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадислари ҳақида сўрамоқчи эдим», деди. «У ҳолда, агар сир бўлмаса, албатта сенга айтиб бераман», деди. «У ҳеч қандай сир эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан учрашганингизда у зот сизлар билан қўл бериб кўришармидилар?», деди. «Қачон у зот билан учрашсам, мен билан қўл бериб кўришардилар. Бир куни менга одам юборибдилар. Мен аҳлим ҳузурда эмас эдим. Келганимда, у зотнинг менга одам юборганлари айтилди. У зотнинг олдиларига келсам, чорпоя устида эканлар. Мен билан қучоқлашиб кўришдилар. Бу янада яхшироқ, гўзалроқ бўлди».

Ғолиб Таммор айтади: «Муҳаммад ибн Сирин қўл бериб кўришишни ёқтирмас эди. Мен буни Шаъбийга айтган эдим, у: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари учрашганларида қўл бериб, сафардан келганларида бир-бирларини қучоқлаб кўришишар эдилар», деди.

Ушбу ва бошқа далиллар асосида кўпчилик уламолар, жумладан Абу Мансур Мотуридий раҳматуллоҳи алайҳ бу борада келган ҳадисларни мувофиқлаштириб, «Фитна хавфи бор бўлса, қучоқлашиб кўришиш макруҳ, аммо дўстлик, яхшилик маъносида бўлса жоиз», деган. Бурҳониддин Марғиноний бундай ёзади: «Қучоқлашиб кўришишдаги хилоф биргина изор кийгандаги ҳолат хусусидадир. Аммо эғнида қўйлақ ёки чопон бўлса, бунинг жоизлигига ижмоъ қилинган ва мана шу тўғридир».

Имом Таҳовий «Маъонил-осор»да қучоқлашиб кўришиш ҳақида келган ҳадисларни келтиргач, бундай дейди: «Демак, булар, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг асҳоблари қучоқлашиб кўришишган. Бу эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан қучоқлашиб кўришишнинг мубоҳлиги ҳақида ривоят қилинган хабарлар ундан қайтарилгани ҳақидагилардан кейин ворид бўлганини кўрсатади. Биз мана шуни оламиз. Бу Абу Юсуф раҳматуллоҳи алайҳининг сўзидир».

в) аввало, ўпиб кўришиш ҳам, қучоқлашиб кўришиш каби доимий кўришиш шакли бўлиб қолмаслиги, ҳар кўришганда бўлмаслиги керак. Бундай кўришиш фақат аҳёнда, айрим ҳолатлардагина жоиз. Шу билан бирга, бунда пешонадан, бошдан ёки қўлдан ўпиб кўришилади, юздан ўпилмайди, лабдан ўпиш эса умуман мумкин эмас. Бу нарсa мазкур ҳадисларда айнан мана шу шартлар эътиборидан маъқул кўрилмаган. Аммо шарт ва одобларга риоя қилинса, бунинг зарари йўқ. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаъфар розияллоҳу анҳунинг икки қошлари ўртасидан ўпганлар, шунингдек, Зайд ибн Ҳориса билан қучоқлашиб кўришганларида ҳам уни ўпиб кўришганлар ва булар саҳиҳ ривоятларда келган.

Шунингдек, майитни зиёрат қилганда унинг пешонасидан ўпиш ҳам жоиз. Имом Бухорий ва бошқа муҳаддислар Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафот этганларида Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу келиб, у зотнинг олдиларига чўккалаб ўтириб, пешоналаридан ўпгани таъкидланган.

г) Ислолда асл қоида қўл бериб кўришишдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жавобларидан мана шу хулоса келиб чиқади. Баъзан қучоқлашиб ёки ўпиб кўришиш қўл бериб кўришишга қўшимча қилинади, холос.

Бу борада энг яхши хулосани Имом Бағавийнинг битикларида ўқиймиз. У киши «Шарҳус-сунна»да шундай ёзади: «Қучоқлашиб ва ўпишиб кўришишнинг макруҳ ҳолати хушомадгўйлик, улуғлаш маъносида

ва ҳазарда (яъни муқимликда) бўлганидир. Рухсат берилгани эса хайрлашиш ва сафардан келганда, шунингдек, дўстлар билан узоқ вақт кўришилмаганда ва қаттиқ муҳаббат турткиси билан бўлганидир. Аммо ўпиб кўришмоқчи бўлган киши оғиздан ўпмайди, балки қўл ёки пешонадан ўпади. Кўринишидан, қучоқлашиб кўришишнинг ҳазарда макруҳ саналиши бу ҳолатнинг кўпайиб кетиши ва ҳар ким ҳам қилавермаслиги сабабидандир. Агар бир киши одамларнинг айримларини қўйиб, айримлари билан шундай кўришса, қучоқ очиб кўришмаганлари ундан хафа бўлишади ва уни ўз ҳақларини поймол қилган ва улардан бошқаларни устун қўйган деб ўйлаб қолишади. Саломлашиш аслида қўл бериб кўришиш билан тугал бўлади».

Саломлашганда қўл бериб кўриш узоқ тарихга эга. Бу ҳақда Имом Бухорий «Ал-Адаб ал-муфрад»да қуйидаги ривоятни келтиради: Анас ибн Моликдан ривоят қилинади: «Аҳли Яман келганда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Яман аҳли келмоқда. Улар сизлардан кўра юмшоқ қалблидир. Улар қўл бериб сўрашишни биринчи бўлиб жорий қилганлардир», дедилар». Ушбу ҳадисдан қўл бериб кўришиш Яман аҳлидан бошланганини билиш билан бирга, бу одат юмшоқ қалбликнинг аломатларидан эканини ҳам фаҳмлаб оламиз.

Айрим ривоятларга кўра, қучоқлашиб кўришишни илк бор Иброҳим алайҳиссалом жорий қилган эканлар.

Саломлашганда бир-бирига яқин турган кишилар қўл бериб кўришишлари суннат ҳисобланади. Икки қўллаб кўришишнинг савоби кўпроқ, мукаммалроқ бўлади. Имом Нававий Ислому аҳли қўл бериб кўришиш суннат эканида яқдил фикрда бўлиб келганларини айтган. Бу мавзуда кўплаб ҳадислар ворид бўлган.

Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сўрашишнинг тўлиқ бўлиши қўл олиш биландир», дедилар». Демак, бош чайқаш ёки таъзим қилиб эгилиш ёхуд қандайдир ишоралар билан эмас, айнан қўл бериб кўришиш билан саломлашиш тугал бўлар экан. Чунки бу саломлашишдан кўзланган асосий мақсад — ўзаро муҳаббат ва яқинлик тўла ҳосил бўлишига хизмат қилади. Шунинг учун, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам, у зотнинг саҳобалари ҳам, саломлашганда қўл бериб кўришишар эди.

Қатода айтади: «Мен Анасдан: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ўртасида қўл бериб кўришиш бормиди?», деб сўрадим. У: «Ҳа», деб жавоб берди» (Имом Бухорий ривояти). Имом Нававий айтади: «Билгинки, ҳар учрашганда қўл олиб кўришиш суннатдир, унинг ўрни учрашувнинг аввалидандир».

Қўл бериб кўришиш инсоний муносабатлардаги энг гўзал ҳолатлардан бири бўлиши билан бирга,



динимизда тарғиб қилинган амаллардандир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромлар бу амалга алоҳида эътибор берганлар. Кўришишга эриниш, бунга бепарво бўлиш динимизнинг таълимотларига зиддир. Чунки динимизда кўришиш кўплаб фазилатларга, яхшиликларга эга бўлган амал ҳисобланади.

Қўл бериб кўришишнинг кўплаб фазилатлари, фойдалари бор. Жумладан, қўл бериб кўришиш қалбдаги кек-тадоватни, ғиллу ғашни кетказди, саломдан кўзланган фойдалардан бири бўлмиш ўзаро муҳаббатни мустаҳкамлайди.

Имом Молик Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қўл бериб кўришинглар, қалбларингиздан ғиллу ғаш кетади», деганлар. Энг муҳими, қўл бериб кўришган кишилар учун ўзаро муҳаббат, кўплаб ажру савоблар бўлишидан ташқари, уларнинг гуноҳлари ҳам ювилади.

Имом Абу Довуд Баро розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Икки мусулмон учрашиб, қўл бериб кўришса, улар ажралмай туриб гуноҳлари албатта кечирилади», дедилар.

Имом Баззор Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмон ўз биродари билан қўл бериб кўришса, икковларининг хато гуноҳлари дарахт барглари тўкилгани каби тўкилади», дегалар.

Олимларнинг айтишича, қўл бериб кўришишнинг тиббий, жисмоний фойдалари ҳам бор экан. Инсоннинг қафтида сон-саноксиз нерв толалари мавжуд бўлиб, қафт қафтга текканда икки томон ўртасида қувват (энергия) алмашинуви юз берар экан, бу ҳолат инсонга қувват бахш этиши эса ҳаммага маълумдир. Рухшуносларнинг таъкидлашларича, меҳмон билан қўл бериб кўришишнинг ижобий таъсири унга нисбатан «хуш келибсиз», «марҳабо» каби ибораларни ишлатишдан кўра яхшироқ бўлар экан.

Ҳасанхон ЯҲЁ АБДУЛМАЖИД.
(Давоми бор)

ГУНОҲНИНГ БОТИНИ

Мусулмон биродарим, мендан ёниб, алам билан сўрадинг: “Бугунда мусулмонлар яқин ўтган замондагилардан анча кўп. Уларнинг ҳаракатлари ва исломий амаллари ҳар қандай мозийдагисидан ёрқинроқ. Кутубхоналар ҳар вақтдагидан турли хил исломий китобларга лиқ тўлалиги билан ажралиб туради. Одамлар уларни кутилмаган даражада ажойиб қабул қиладилар. Лекин шу билан бирга уларнинг исломий жамият йўли ва ҳукмидаги ҳаракатлари ортга қараб кетяпти, орқага тисариляпти.. Бу ажиб парадокс-нормувофиқликнинг сирри нимада?!.. Унинг натижаси мева бериб қолмаслиги учун қандай табиий таклифларнинг имкони бор?”.

Жавобда сенга шундай дедим: “Улар бўлинган, бир-бирига душманликдан паришон бўлганлардир. Ўзи бўлиниш амаллардан ҳар қандай солиҳини бузадиган ва унинг аксар натижасини кесадиган балодир. Энди бу бўлиниш душманликка айланса қандай бўлади?”

Шунда менга дедим: “Аҳли салоҳ ўзларининг ҳақиқатларида бирлашмаган, бир-бирларидан узоқ ва душманликда қолганлари ҳолда, ёвузлик аҳли ўзининг ботилида ўзаро йўлиқиб, йўлларида ажиб бирдамлик ва елкадошлик билан давом этишлари нимадан?”

Мен жавоб қилдим: “Ёвузлик аҳли ўз ботилларига ҳаракатда ихлосли бўлдилар. Мақсадларига фақат бирлашиш ва ёрдамлашиш билангина этишлари мумкинлигини билдилар. Уларнинг бирорталарида бу ботиллари ортида унга тескари бўлган махфий режа бўлмади. Шундан уларнинг йўллари бирлашди, ўзаро ёрдам зарурати ўрталарини яқин қилди. Улар гарчи ортидан бошқа ишлар кутилаётган мақсадларида фарқлансалар-да, муштарак ботилларига ҳаракатда ҳаммалари рост бўлганлари бир-бирларига душманлик қилишдан тўсди.

Аммо аҳли салоҳ эса ҳаракатларида анави ботилларига интилганларнинг ихлоси ҳаққичалик ихлосли бўлмадилар. Зеро уларнинг ҳаққи йўл ниҳоясида танглик ва маҳрумлик эди. Чунки уларнинг ботиллари нафс ва ҳаволари хоҳишидан иборат доира ўртасида яшириндир. Аҳли салоҳнинг ичида эса кўринишидан ҳақиқат ва унга чақириш билан зийнатланганлари, ботинда эса нафс ва ҳаволарининг хоҳишларини излаётганлари бор. Уларнинг ичида ҳақиқатни мажлисларда такорланаверадиган калом, маросимларни безайдиган маъруза сифатида қабул қиладиганлари бор. Агар ҳақиқат уларни ўзининг айрим ҳуқуқларидан ўтиш ёки ҳаётнинг баъзи машаққатларига мажбурлаш каби бошқа нарсага таклиф этса ундан кечиб узоқлашадилар

Агар бу кўриниш ўрталарида тарқар экан, бир-бирларига ишонч йўқолади ёки камаяди. Уларнинг ҳаққа чақириш йўлидаги интилишлари ва ўзаро ёрдамлари тор ва юзаки доира чегарасидан ташқарига чиқмайди. Улар бу чегарадан ўтар-ўтмай ўрталарида бўлиниш, балки кўп ҳолларда душманлик омиллари уйғонади.

Мусулмон биродарим, менинг бу жавобим қарши-сида узоқ аламли жимликка қандай ғарқ бўлганингни яхши эслайман. Сен рухсат сўраб ўрнингдан турдинг-да, эзилган ҳолда, ўйчан чиқиб кетдинг. Мен-чи? Мен ўзим сенга айтганларимга яна қайтдим. Бунда бошпана ва қочар жойи йўқ ғамлар саҳросига сени топширишдан бошқа ҳеч қандай иш қилмаганимни кўрдим. Бунда мен хастага тузалмас хавфли дардидан огоҳ этиб, аммо фойдали муолажага ишора этадиган ёки оғриғини енгиллатадиган бирор сўз айтмаган киши каби бўлдим.

Сўзим руҳни сўндириш ёки умидни ўлдириш бўлиб қолишидан Аллоҳдан паноҳ тилайман. Агар бундай бўлса, мен дард устига ундан кўра ёмонроқ ва хавфлироқ дард қўшган бўлиб қоламан. Бу шуур бало шиддатини зиёда қилиб, сўнг ўзини ундан олиб қочганликни ҳис қилиш азобига мени топширди. Бундан кўра унга яқинлашмаслигим ва бирор муолажа қилмаслигим керак эди. Шундоғам мендан бошқалар бу ишни қилишаётганди.

Сўнг сенга зикр қилганларим ҳасталикларга даво-ни чизиб бериш билан давом этмасам, бу шуурдан қутулмаслигимни тушундим. Агар бу ҳақда гапиришни эзилган ва ғамнок туриб кетганинг ўша мажлисда қўлдан чиқарган бўлсам-да, лекин қаерда бўлсанг ҳам буни китобча шаклида сенга етказиш имкониятини ҳали бой берганим йўқ. Шояд китобча сенинг қўлингга тушиб, ғамноклигинг бу дардни танитиш ва уни ишлатиш амалиётида ижобий ҳаракатга, ишга айланса. Демак у таъми аччиқ даводир, доридир. Лекин унинг аччиқлигини енгиллатадиган нарса бу – иймон ҳаловатидир. Шубҳа қилмайманки, бизлар ҳаммамиз шериги йўқ, якка илоҳ бўлган, яхшилик ҳам, мулк ҳам қўлида бўлган ва ҳар нарсага қодир зот – Аллоҳ таолога иймон келтирганмиз.

Эътиборингни тортмоқчи бўлганим даво Аллоҳ таолонинг китобида тавсифланган ва Унинг Пайғамбари соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўрсатмаларида шарҳлангандир. Бу даво – гуноҳнинг ботинидан қутилишдир.

Сўрашинг мумкин: Гуноҳнинг зоҳири-чи? Ундан қутилиш ҳам давонинг бир қисми эмасми?

Жавоб шуки: У ҳам давонинг ажралмас бир қисми. Лекин буни одамларнинг ҳаммаси билади. Балки кўпчиликлари буни маҳкам тутишгандир. Бун-

дан огоҳлантиришимиз янгилик эмас, фойдаси ҳам йўқ. Аммо уларнинг кўплари унутганлари бу давонинг бошқа қисмидирки, агар мусулмонлар бунга бепарво бўлсалар исломий барча ҳаракат ва амаллари беҳуда кетади ва ҳалок ҳамда фасод йўқлигида изсиз кетади.

Давонинг бу томони ёки қисмининг муҳимлиги унинг махфий иш эканидандир. Мусулмонлар уни ҳис этиши ёки назорат қилиши имкони йўқдир. Агар бундай бўлмаганда бир-бирларини рўза, намоз ва бошқа зоҳирий-амалий ҳукмларда назорат қилганларидек бу томондан ҳам текшириб туришлари мумкин бўларди.

Бунинг яна бир аҳамиятли томони бугунда кўпгина мусулмонлар унга огоҳлик ва эҳтиёткорлик билан қарамайдилар. Уни излаш ёки муолажа этиш иши уларни қизиқтирмайди. Мусулмон жамияти қуриш йўлидаги саъй-ҳаракатлари тарозусида у ҳеч қандай тош босмайди.

Шу сабабли жавоб суҳбатни узилган жойидан бу буюк давони тавсифлаш билан давом эттиришга ундади. Бу шундай давоки, у ҳақда Аллоҳ таолонинг Китобида ва Пайғамбарининг суннатида кўп марталаб сўз юритилганига қарамай, мусулмонлар унга бепарво бўлдилар ва уни унутиш диёрида қолдирдилар. Бу давони биринчидан ўзимга тавсия этаманки, мен унга жуда муҳтожлигимга ишонаман. Иккинчидан уни ўқувчи биродарларимга тавсия қиламанки, сенга айтганимдек уни даво эканини ва мусулмонларнинг иши усиз ислоҳ бўлмаслигини идрок этганман. Таваккул Аллоҳга, тавфиқ Ундан ва қайтишимиз ҳам У томондир!

БОТИН ВА ЗОҲИР ЁКИ ДИЁНАТ ВА ҚАЗО

Иттифоқ қилинган нарсалардан бири, ислом шариати буйруқлари сўзлар ва феълларга тегишли рўза, намоз, амри маъруф, наҳий мункар ва мусулмонлар манфаати учун ҳаракат қилиш каби зоҳирий ва ҳамда ихлос, Аллоҳ учун яхши кўриш, Унинг учун ёмон кўриш, Аллоҳ таолонинг ваъидидан хавф қилиш ва Унинг савоби ва розилигидан умид этиш каби руҳ ва қалбга тегишли жиҳатларга бўлинади. Шунингдек, қайтариқлар ҳам ноҳақ одам ўлдириш, ўғирлик, зино, ғийбат ва чақимчилик каби қайтарилган сўзлар ва феълларнинг зоҳирига тегишли ва кибр, ужб, риё, адоват, нафрат, дунё зийнатларига ва нафс ҳавола-рига боғлиқ бўлишдан наҳий қилинишдек нафс ёки қалбнинг тўрига алоқадор ишларга бўлинади.

Мусулмонларнинг ҳаммалари иттифоқ қилишган ишлардан яна бири, мусулмон киши амал қилиб турган сўз ёки феълларга тегишли зоҳирий тоатларида нафс ва қалб қатларига алоқадор бошқа тоатларга ҳаракат қилмаса, эътибор қаратмаса бу амали Аллоҳ таолонинг ҳузурида қабул бўлиши қийин масаладир. Агар қалбда Аллоҳга ихлос етарли бўлмаса, қандайлигидан қатъий назар зоҳирий тоатлар Аллоҳ жалла жалалухуга заррача яқинлаштира олмайди. Агар нафс Аллоҳ мусулмонга буюрган фазилатли хулқлар

билан покланмаса, унга улардан махфий кийим тўқилмаса, бу ҳолда эгасининг одамларнинг кўзига салоҳ, обидлик ва тақводан кийим кийишининг ҳеч қандай фойдаси бўлмайди.

Кибр ёки адоват ва нафрат туйғулари ҳукмронлик қилган қалб, Аллоҳ таолога убудийят томирларига зоҳирий тоат ибодатлар билан ёрдам беришга ожизлик қилади. Агар мўминнинг қалби билан зоҳир ибодатлари ўртасидаги ирмоқлар тўсилиб қолса, унда эгасини Аллоҳ жалла жалалухуга яқинлаштиришга ҳеч қандай куч топилмайди. Унда дунё ҳавасларидан, шайтон ва ҳаво алдовларидан тўсадиган ҳеч қандай тўсиқ қолмайди. Унинг иши қуриган дарахтга ёпиштириб қўйилган меванинг ҳолига ўхшайди. Бу мевадан қуриб қолиш ва бузилишдан бошқа нарсаси кутиш мумкинми?

Ислом шариати ҳукмлари мана шундай икки қисмга бўлиниши, Аллоҳ таолонинг китоби унга турли йўл ва услублар билан огоҳ этган муҳим ишлардандир. Аллоҳ жалла жалалуху Анъом сурасининг 120-оятда шундай дейди: “Гуноҳнинг очиғини ҳам, махфийсини ҳам тарк қилингиз! Албатта, гуноҳ қилгучи кимсалар ўзлари қилиб ўтган гуноҳларига жазо олажақлар.”

Яна Анъом сурасининг 151-оятда айтади: “Айтинг: «Келинлар, Парвардигорингиз сизларга ҳаром қилган нарсаларни тиловат қилиб берай. У зотга бирон нарсани шерик қилмангиз: ота-онага яхшилик қилингиз; болаларингизни камбағалликдан (қўрқиб) ўлдирмангиз — Биз сизларни ҳам, уларни ҳам ризқлантируرمىз — бузуқ ишларнинг ошкорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашмангиз!”

Яна айтади: “Бас, ким Парвардигорига рўбарў бўлишидан умидвор бўлса, у ҳолда яхши амал қилсин ва Парвардигорига бандалик қилишда бирон кимсани (унга) шерик қилмасин! (Яъни, қиладиган барча амалларини ёлғиз Аллоҳ учун қилсин.)» (Каҳф сураси, 110-оят).

Ибодатда ширкдан сақланиш барча ботиний ҳукмларнинг таркибий қисмидир. Шариат ҳукмларининг барчасида қалбни ботиний ёмонликлардан поклашга, уни гўзал фазилат ва хулқлар билан зийнатлашга эътиборни қаратиш Аллоҳ таолонинг китоби ва расулининг суннати баралла чақирган ишлардандир. Аллоҳ азза ва жалла айтади: “Дарҳақиқат уни (яъни ўз нафсини-жонини иймон ва тақво билан) поклаган киши нажот топди. Ва уни кўмиб хорлаган кимса номурод бўлди.” (Шамс сураси, 9-10-оятлар).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам муттафақун алайҳи бўлган ҳадисда: “Огоҳ бўлингки, жасадда бир гўшт бор. Агар у тўғри бўлса, жасаднинг барчаси тўғри бўлади. Агар у фосид бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузилади. Огоҳ бўлинг, у қалбдир”, дейдилар. Имом Муслим, Абу Довуд ва бошқалар ривоят қилган ҳадисда эса шундай деганлар: “Аллоҳ таоло сизларнинг суратларингизга ва жасадларингизга қа-

рамайди, лекин қалбларингизга қарайди!”

Ҳеч бир мусулмонга махфий бўлмаган ушбу ҳақиқатни турлича номлашади. Баъзилар уни ботин ва зоҳир деса, айримлар диёнат ва қазо деб номлайди. Бошқа бирлар эса ҳақиқат ва шариат деб аташади. Агар тўғри маънода ишлатилса ҳамма ном ҳам дуруст.

Агар киши шартлари ва рукнларини риоя этиб намоз ўқиса зоҳирда, қазоий ҳукмда ва шариатга кўра Аллоҳнинг ҳаққини адо этган бўлади. Лекин ушбу номозида риё ёки ушбу ёхуд нотўғри ақидани аралаштирган бўлса, ботинда, диёний ҳукмда ва ҳақиқатга кўра бу киши Аллоҳ таоланинг ҳаққини адо этган саналмайди. Демак бу икки нарса зоҳир ва ботин, диёнат ва қазо, ҳақиқат ва шариатдир.

Баъзан бу иккови ҳукмда бирлашиб қолади. Бу ҳолат қачонки дунёвий қазо (қозилик, ҳакамлик) ҳукми белгилаб берган зоҳирий шарту рукнлар ва ҳамда фақатгина осмонлар ва ер Бошқарувчиси— Аллоҳ назоратигина аниқлаб берадиган ботиний шарт ва вожиблар йўлиқиб қолганда юзага чиқади. Аллоҳ ҳузурда ҳам, дунёвий қазо ҳукмида ҳам мақбул амал мана шудир. Икки томондан бирининг шартлари топилмаганда эса, бу амал зоҳирда ҳам, ботинда ҳам, баробар мардуддир.

Гоҳида эса улар ҳукмда фарқланиб қолади. Бу ҳол қачонки зоҳирий шартларнинг ўзи ёки ботиний шартларнинг ўзигина риоя этилса юзага келади. Бундай амал ҳақиқатда ботил ва мардуддир. Бундай амал соҳибини зоҳирий кўринишлар ва камолотлар билан безанган кўрсангизда, эгасига қилган амалидан ҳеч фойда йўқдир. Бундай инсонга Аллоҳ таоланинг қуйидаги ояти татбиқ бўлади: “(Зотан) Биз улар қилган ҳар бир (яхши) амалга келиб, уни сочилган тўзон (каби) қилиб қўйгандирмиз.” (Фурқон сураси, 23-оят).

Зикр қилганларимиздан шу нарса маълум бўляптики, бу икки томон қандай номланишидан қатъий назар бир-бирига муталозим, яъни жудаям кучли боғлиқ. Ботинсиз зоҳир, зоҳирсиз ботин дуруст бўлмайди. Ҳақиқат ва шариат ёки қазо ва диёнат деб номланганда ҳам худди шундай сўз.

Бунинг баёнида Изз ибн Абдуссалом роҳимаҳуллоҳ шундай дейдилар: “Ҳақиқат шариатдан ташқари эмас. Балки шариат қалбларни маърифат, ҳоллар, азм, ниятлар ва бошқа қалб ишлари билан ислоҳ қилишга тўлиб-тошгандир. Зоҳирнинг ҳукмларини билиш, шариатнинг энг муҳимини билишдир. Ботинларнинг ҳукмини билиш эса, шариатнинг энг дақиқини билишдир. Буларни фақатгина кофир ёки фожир инкор қилади”.

Аммо ботин ёки ҳақиқат бошқа бир шариатдан иборат, унга муайян риёзатлар ёки Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилиш билан эришилади, дейилишига келсак, У шариатлар зоҳирини, ҳамда унинг ҳаққидаги ҳукмларни насх қилиш, бекор этишдир. Зеро бунда зоҳир ўрнини ботин эгаллайди. Бу эса зиндиклик ва

жиноий ахлоқсизлик кўринишларининг энг хатарли-сидир.

Бундай сўзни исломга писиб кирган, зоҳирда унда амал қиладиган зиндикларгина айтади. Бунда улар исломга фитна қилиш ва унинг ҳақиқатларини лойқалашни мақсад этишади. Улар гоҳида тасаввуфни намоён этишса, бошқа пайт шиъалик либосини кийишади. Аслида ўзлари улардан ҳам, булардан ҳам бўлишмайди. Балки исломга ва аҳлига энг маккорона йўл билан уруш очишган бўлади.

Шайх Мустафо Арусий “Рисалатул-Қушайрийя”-нинг ҳошиясида имом Ғаззолийдан қуйидагини нақл қиладилар: “Агар гумондор баъзи жоҳил сўфийлар ўйлаганидек ўзи билан Аллоҳ ўртасида бир ҳолат бўлиб, унга кўра ўзидан намоз соқит, хамр ичиш ва султоннинг молини ейиш ҳалол этилган, деб гумон қилса, уни ўлдириш вожиблигига шубҳа йўқ. Балки унга ўхшаганларни ўлдириш юзта кофирнинг қатлидан афзалдир. Чунки унинг зарари кўпроқдир”.

Жунайддан ана ўшалар ҳоли ҳақида сўралганда: “Ўғирлик қиладиган, зино этадиган осийларнинг ҳоли уларникидан яхшироқдир”, деб жавоб қилганлар.

Изз ибн Абдуссалом айтадилар: “Қавмга (сулук аҳлига) ўзини ўхшатадиганлар учраб туради. Улар қавмдан эмасдирлар, сифатларига заррача яқинлашмайдилар. Улар йўлтўсар-қароқчилардан ҳам ёмондирлар. Чунки улар Аллоҳ таоло томон кетаётганларнинг йўлини тўсадилар. Улар Аллоҳга нисбатан жуда хунук сўзларни айтадилар. Набий ва расулларга, уларга эргашган тақводор олимларга одобсизлик қиладилар. Ҳамсуҳбатларини фақиҳларни эшитишдан маън этадилар. Чунки фақиҳлар ҳам халқни улар билан ҳамсуҳбат бўлишдан ва уларнинг йўлларига юришдан маън этишларини биладилар”.

Аммо айрим одамларнинг зоҳир ва ботинни ёки ҳақиқат ва шариатни бундай ботил таъвилда тушунганларидан ва мўмин инкор этиши ёки билмаслиги мумкин бўлмаган ҳақиқий маънодан огоҳ бўлмаганларидан, уни тўла инкор этишларига йўл очилди. Шундан улар бу динда зоҳир ва ботин ёки ҳақиқат ва шариат ёхуд диёнат ва қазо борлигини инкор этишди. Бу гап уларга жуда оғир ботди. Динда мана шундай турланиш ва тақсимланишни маъқуллашмади. Зеро улар бу тўғрида зиндиклар ва ахлоқсизлар ёпиштирган ботил таъвилнигина билишди. Бу таъвилларини зиндиклар тасаввуф ёки каромат ёхуд камолот деб тасвирлаган парда остига яширишган.

Ана шу айрим одамларнинг зоҳир ва ботинни инкор қилишларининг ҳеч зарари йўқ. Бу калималарни рад этишларида уларга ҳеч қандай гуноҳ ҳам йўқ. Шундайки, Аллоҳнинг китоби ва набийси соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатига иймон келтирган киши учун, уламолар уларнинг ҳақиқий маъносини таъбир этадиган лафзлар истилоҳ этишган бўлса, залолатдаги бузуқи тоифалар ҳам ўзларнинг бузуқликлари ва залолатлари учун бу тўғрида лафзлар

истилоҳ қилишган. Лекин одамлар бир нарсани идрок қилишлари муҳим. Тилга тегишли сўзлар ва аъзоларга тегишли амаллардаги зоҳирий-шаръий ҳукмлар Аллоҳ ҳузурида мақбулл бўлмайди, инсонга ажр олиб бермайди ва гуноҳни ундан кўтармайди. Илло инсонда барқарор топилиши вожиб бўлган қалбий ҳолат зоҳирий амал билан бирга бўлса, бундан истиснодир. Албатта амалларнинг қабул бўлиши ва самара беришида нафс ва қалбнинг солиҳлиги асос бўлади.

Исломнинг жавҳари ва руҳи бўлган ушбу ҳақиқатга агар улар ишонишса, у ҳақда хоҳлаган ибораларини ишлатишсин, ўзлари хоҳламаган ҳамма лафзлар ва номларни истеъмолдан узоқ қилишсин.

Гапнинг лўндаси, сулук ва амалларнинг зоҳирига қалбий истак мувофиқ ва ҳамоҳанг бўлсагина, Аллоҳ таолога у билан бандалик қилинадиган исломий ҳақиқат пайдо бўлади. Сўнг улар Аллоҳнинг китоби ва набийининг суннати бизга чизиб берган илоҳий дастурга кўра биргаликда ҳаракатланмоғи керак бўлади. Агар улардан бири ортда қолса, бошқасининг ёлғиз сайри исломий ҳақиқатдан ҳеч нарсани таъбир этолмайди.

Агар ана шу ҳамоҳанглик зарур бўлмаганда эди, мўминлар мунофиқлардан ҳеч фарқланмасдилар.

Агар ана шу ҳамоҳанглик зарур бўлмаганда эди, исломдаги кураш ва фидокорликдан ҳеч қандай маъно бўлмасди.

Агар мана шу ҳамоҳанглик зарур бўлмаганда эди, бугунда мусулмонларни азизлик, бирлик ва қувватнинг авжида кўрган бўлардингиз. Бу авжга уларнинг обод масжидлари, овозли минбарлари, исломга қақирувчи тиллари ва юксалган илмлари етарли бўларди.

Лекин буларнинг барчасидан ортда қолаётган, узоқлашаётган нарса қалбнинг якка ўзидир. Ҳозир зоҳир ва ботин ўртасида ҳамоҳанглик йўқ! Ҳаммани алдаётганимиз зоҳиримиз билан, бирор мавжудот алдолмайдиган Алламул-ғуноб назоратидаги ҳақиқат — ботинимиз ўртасида ҳеч қандай мувофиқлик йўқ!

ЭНГ УЛКАН ХАТАР

У нима эканини биласизми? У ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? У диёрингизни мустамлака қиладиган ҳамлагир душман эмас. Кучларни ва сафларни узоқлаштирадиган фирқа ҳам эмас. Оммавий қирғин билан таҳдид этадиган даҳшатли курул ҳам эмас. Аҳоли кўпайиши билан бир қаторда ишлаб чиқаришнинг камайиши сабабидан ер куррасининг ярмини хавфга солаётган кўрқинчли очлик ҳам эмас. Балки у мана шуларнинг ҳаммасидан ҳам кўрқинчли улкан хатардир!

Чунки у билан душман мамлакатларга сездирмай кириб олиши мумкин. Бомбани портлатадиган ва ёқишга ёнилғи бўладиган ҳам удир. Хусумат ва бўлиниш сабабларини пайдо қиладиган, ҳамда бирлик ва ҳамкорликка барҳам берадиган ҳам айнан удир. У душманларимизнинг мутлақ энг кучлисидир.

Бу ўзимиздаги нафсдир! Ҳа, инсон нафси саҳиҳ исломий манҳажла тартибланган ҳаракатида солиҳ амал билан бирга бўлмас экан, шак-шубҳасиз у бугунги кунда мусулмонлар ҳаётидаги энг улкан хатардир. Чунки ислом жавҳари нафсни поклеш ва тарбиялашдан иборатдир. Бу тарбия манмансираш, мутакаббирлик ва бу дунё ҳаётига боғланиб қолиш каби ўзи ўрганган одатларидан холи бўлиш, сўнг Аллоҳ таоло убудийяти меҳробига ихтиёрий кириш учун лозимдир. Ана шунда (яъни, нафс покланиб, тарбияланганда) сулук (Аллоҳ йўлида юриш) нафснинг Аллоҳга бандалиги меваляридан бир самарага айланади. Улар (нафс ва сулук)нинг ҳар бири бошқасига тасдиқ ўлароқ юзага келади. Зеро шунда ҳунук манмансираш ўрнида рост, дўстона муҳаббат қарор топади. Нафс қалбаки аноният ўрнига Аллоҳга бандалик қонунига бўйсунди. Ҳақиқати абадий охира ҳаётига кўприклик вазифасини ўташ бўлган бу дунё ҳаётининг маъноси янада равшанлашади. Банда энди дунёдан ҳеч нарсага боғланмайди, унинг яхшилиги ва неъматларидан фақат ислом йўлида юришга ва Аллоҳ азза ва жалланинг розилигига эриштиришга ёрдамчи бўладиганини олади холос. Мана шунда бу мусулмон нафс ва исломий сулук ҳақиқатлари ўртасида матлуб мувофиқлик камолга етади. Бундан мусулмонлар ўртасида ўртоқлик ва ҳамкорлик кенгайди. Мусулмонлар ичида хусуматлашиш ва душманликга сабаб тополмайсиз. Ўрталарида ҳикду-ҳасад пайдо бўлганини ёки баъзиларини дунё ёки мансаб ажраётганини кўрмайсиз. Шу сабаб уларда енгилмас қувват ва бузилмас бирлик пайдо бўлади. Аллоҳ таоло уларни рост ва равшан нусрати билан сийлайди ва ўз мамлакатларида эҳтиром, ардоқ ва омонликда яшашади.

Нафс бу тарбиядан насиба олмаганда эса, (бугунда нафсимизнинг ҳолати худди шундай!) мусулмон борлигида хатарли жуфтлик бўй кўрсатади. Унинг шахсияти иккига бўлинади; муайян сўз ва феълларда намоён исломий сулук билан, дунёвий интилишлар ва шахсий орзу-ҳавасларга ғарқ бўлган туғ ёнли ва дарбадар нафсга. Бундай нафс эгасининг исломий фазилат ва хусусиятларда эришган бор нарсаси, фойда олиб келадиган ва зарар бермайдиган нарсаларда исломий сулук кўринишларини топишдир. Бундай киши зоҳирий ишларида қаттиқ жаҳдла Аллоҳ ҳаққини қоим қилади. Ботиний томонда эса дунёвий интилишлари ва шахсий орзу-ҳавасларида нафсга бошқача ранг тақдим этган бўлади.

Воқеъликда дин бундай нафс эгалари учун фақатгина қалқон вазифасини ўтайди. У билан ёмон ишлари туфайли дуч келадиган танбехдан ҳимояланади. Ёки у нафсидаги ҳақиқатни одамлардан яшириш учун парда ўрнида ишлайди.

Араб тилидан Мубашшир АҲМАД таржимаси.

ИЛТИЖО ХОЛИС БЎЛСА...

РАСУЛУЛЛОҲ АЛАЙҲИССАЛОМНИНГ АЪРОБИЙГА ҲАДЯЛАРИ

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Бир куни Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам бир аъробийнинг (сахройи кишининг) ёнидан ўтаётиб, унинг намоздан сўнг пичирлаб шундай мазмунда дуо қилаётганини эшитиб қолдилар:

“Эй кўзлар кўрмайдиган, ақллар идрок қилолмайдиган, васфчилар етказиб васф эта олмайдиган, ҳеч бир воқеа-ҳодиса ўзгартира билмайдиган, офатлардан кўрқмайдиган, тоғларнинг оғирликларини, денгиз сувларининг ўлчовини, ёмғир томчиларию дарахт япроқларининг сон-саногини, кеча ва кундуздаги нарсалар ҳисобини билувчи Зот! Осмон юксаклигию Ернинг туби ҳам, денгиз тагию тоғнинг қаъри ҳам – ҳеч бир нарса Сендан пинҳон эмас. Умримнинг поёнини унинг энг яхшиси, ишларимнинг охирини уларнинг энг яхшиси қилгин ва Сенга йўлиқажак куним ҳам кунларимнинг энг яхшиси бўлсин!”

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам асҳобларидан бирига ўша одам ёнида қолиб, ибодатини тугатгач уни ҳузурларига олиб боришни топширдилар. Кўп ўтмай аъробий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида ҳозир бўлди. Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларига ҳадя қилинган бир қанча олтинларни унга бердилар ва сўрадилар:

- Эй аъробий, қаерликсан?
- Мен Бани Омир ибн Сасаъ қабиласиданман, эй Аллоҳнинг Расули.
- Бу олтинларни сенга нима учун берганимни биласанми?
- Эй Аллоҳнинг Расули, орамиздаги биродарлик ришталари янада мустаҳкамланиши учун бергандирсиз?
- Шубҳасиз, биродарлик ҳаққи буюк. Аммо мен бу олтинларни Аллоҳ таолога гўзал дуо қилганинг учун бердим, дея марҳамат қилдилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам”.

ЧЎПОН ВА ҲАЗРАТИ МУСО

Ҳазрати Мусо йўлда бир чўпонга дуч келдилар. Чўпон овозини хиёл кўтариб бундай деяётган экан: «Эй қарам соҳиби Парвардигорим, қаердасан? Сенга қул бўлай, қурбон бўлай, чориғингни тикай, сочингни тарай, кийимингни ювай... Эй буюк Парвардигорим, Сенга янги соғилган сут тортиқ қилай, ҳамма эчкиларим Сенга қурбон бўлсин!»

Ҳазрати Мусо чўпондан сўрадилар:

- Ким билан гаплашяпсан?
- Еру кўкни яратган Аллоҳ билан! – деб жавоб берди чўпон.

Мусо алайҳиссалом чўпонга танбеҳ бердилар:

- Бу гапларинг нотўғри, ахир Аллоҳ инсон эмаску, У билан бундай тарзда гаплашсанг!...

Танбеҳдан чўпоннинг кўзи қоронғи бўлиб кетди, нима қиларини билмай, оҳ урганича бошини олиб чўлларга чиқиб кетди.

Иттифоқо, бир муддатдан сўнг ҳазрати Мусога Аллоҳ таолодан шундай хитоб келди: «Эй Мусо, сенинг вазифанг инсонларни Биздан узоқлаштиришми ёки Бизга яқинлаштиришми? Нега у самимий бандамизни Биздан айирдинг? Биз сўзга, тилга боқмаймиз, кўнгилга, ҳолга қараймиз».

Ҳазрати Мусо чўлга бориб, чўпонни излаб топдилар ва унга хушxabарни етказдилар ва Парвардигорига хоҳлаганича хитоб қилиши мумкинлигини ҳам маълум қилдилар.



ИСЛОМНИНГ ҲИНДИСТОНДА ЁЙИЛИШИ

Сардор Маҳмуднинг “Ислом тарихи” китоби охирзамон динининг тарихига анча холис ёндошилгани ва илмий маълумотларининг ишонарлиги билан бошқа шу каби асарлардан ажралиб туради. Шарқу Ғарбда машҳур бу китоб Карочи, Ободон, Куала Лумпур, Глазго, Нью-Йорк, Торонто, Мельбурн, Веллингтон, Бомбай, Калкутта, Мадрас, Кейптаун, Найроби, Аккра, Лондон шаҳарларида нашр этилган. Асарни Лондондаги Оксфорд университети босмахонаси 1959 йили чоп этган Маккей-Чатхам компаниясининг инглизча нашридан Жамолдиддин Ҳамдам ва Шариф Холмурод ўзбек тилига ўгиришган. Қуйида мазкур китобнинг Ҳиндистонга Ислом динининг ёйилишига оид қисмини эътиборингизга ҳавола этаймиз.

ИСЛОМНИНГ ҲИНДИСТОНГА КИРИБ КЕЛИШИ.

Бу мамлакатга Исломнинг ёйилиш тарихи тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, синдлик рожа Даҳар еттинчи аср охирида арабларнинг денгиз кучларига ҳужум қилиб турмоқчи бўлганида Ироқнинг қудратли ҳокими Ҳажжож ибн Юсуф невараси Муҳаммад ибн Қосим бошчилигида унга қарши қўшин юборди. Навқирон Муҳаммад Ҳинд водийсининг Мўлтонгача бўлган бутун пастки қисмини босиб олди. У Ҳиндистонда узоқ қолмади, лекин шундан буён Синдни ва ҳатто жануби-ғарбий Панжобни араблар халифалигининг бир қисмига айлантирган эди.

ДАСТЛАБКИ ФАТҲЛАР САМАРАСИ. Синднинг араб ҳокимлари ўз тасарруфидаги ерларни шарққа томон кенгайтириш мақсадида вақти-вақти билан Ражпутан, Малва ва Гужаратга юришлар уюштириб туришарди. Ана шундай ҳокимлардан бири бўлган Жунайд ҳукмронлиги даврида мусулмонлар Виндҳясининг бутун бойлигини қўлга киритдилар. Улар ҳатто мусулмонлар ҳужумига қалқон бўлиб турган забардаст Чалукйас ҳокимлигидаги Декангача кириб бордилар. Марказда ўз куч-қудрати билан мусулмонларни Ҳиндистоннинг марказий қисмига ўтиш имкониятидан маҳрум этган пратихараслар ҳукмронлик қилишарди. Лекин мусулмонлар Ғарбий Ражпутан худудида ўз ҳукмронликларини сақлаб қолдилар. Улар ҳали ҳиндлар давлати тўғрисида тасаввурга эга эмасдилар, бироқ ҳинд маданиятига ошно бўлишлари натижасида иккала халқ орасида маданий алоқалар ривожлана борди. Синчков тадқиқотчилар бўлган араблар билимларни чанқоқлик билан эгалладилар. Улар ҳинд риёзиёти, тиббиёти, фанлари, фалсафасини ва санскрит тилида ёзилган китобларни ўргана бошладилар. Бунинг натижасида ҳиндларга хос ғоялар ва уларнинг фани араб мамлакатларида ҳам кенг ёйилиб, арабларнинг умумий билим даражасини юксалтира борди. Тарих китобларида мусулмонларнинг илми нужум ва риёзиёт соҳасидаги ёш илмий кучлари Бенаресга ва Ҳиндистоннинг бошқа шаҳарларига келганлари қайд этилган.

ҒАЗНАВИЙЛАР. МАҲМУД ҒАЗНАВИЙ.

Маҳмуд Ғазнавийнинг фатҳлари туфайли Ислом дини ҳақиқатан ҳам кенг кўламларда жорий этила борди. Маҳмуд Канаужа ва Деҳлигача борган бўлса ҳам, фақат Панжобни эгаллашга эришди. Ғазнавийлар даврида Панжоб, аниқроғи, унинг учдан икки қисми мусулмон дунёсининг бир бўлагига айланди. Лохўр, Панжоб ва Юқори Синд ғазнавий ҳокимлигининг вилоят марказлари бўлиб хизмат қилди. Сўнгги ғазнавий ҳокимлар эса Ғазнага эмас, Лохўрга бўйсундирдилар. Маҳмуд Ҳиндистонда узоқ хотира қолдирди. Бу хотира фақат Панжобнинг доимий фатҳи билангина чегараланиб қолмасдан, кўпроқ Маҳмуднинг ва унга қарам туркларнинг ўзларига нисбатан ҳиндлар қалбида уйғотган очиқ-ойдин қўрқувда бўлмаса ҳам, душманликда ифодасини топди. У ҳиндлар бошида тез-тез калтак синдириб турди, ўғли Султон Масъуд ва невараси Баҳромнинг шон-шухрати эса Ҳиндистонда шу қадар кучли янгрардики, ғурийлар Ҳиндистон устига бостириб келаётганларида Присви Рож, деҳлилик Чоукан Рож ҳамда Ахмернинг қарши чиқишларини ҳисобга олмаганда, ҳиндлар ҳатто мусулмонлар ҳаракатига сезиларли тўсиқ бўлолмадилар.

ҒУРИЙЛАР. Ғазнавийларни ғурий турклари раҳнамоси Ғурийхоннинг тарафдорлари тахтдан ағдаришди. Ғазнавийларнинг сўнгги подшоҳи Баҳромшоҳ ғурий туркларининг саркорлари бўлган Қутбиддин ва Сайфиддинни қўлга тушириб, уларнинг бошини шу ерда ҳозир бўлган ғурий отлиқларининг кўзи олдида кесиб ташлашди. Бу воқеа ўша икки ғурий ака-уканинг кенжа иниси Алоуддинга шу қадар қаттиқ таъсир этдики, у катта қўшин тўплаб, Ғазна устига ёпирилиди. У ўта қасоскор ва раҳмсиз киши эди. Ҳали ярим ёввойи бўлган Алоуддин Ғазнанинг улугворлиги, унинг саройлари, масжидлари, дорилфунунлари, кутубхона, мактаб ва хонақоҳлари қадрига етмай, уларни вайрон қилиб, кулини кўкка совурди. Осиёдаги кўплаб мамлакатларнинг бойликлари тўпланган азим шаҳар етти кун давомида аланга ичида қолди. Бундай манфур

қилмиши учун Алоуддин Жаҳонсўз (Дунёга ўт қўювчи) номини олди. Шундан кейин Алоуддиннинг невараси – ғурийлар сулоласининг биринчи меросхўр подшоҳи бўлган Ғиёсиддин бошчилигида куч тўпланди. Лекин амалда ғурийлар шуҳратини таратган киши Ғиёсиддиннинг укаси – шимолий Ҳиндистонни босиб олган Шаҳобиддин Ғурий бўлди.

ШАҲОБИДДИН МУҲАММАД ҒУРИЙ (1175-1206 йиллар). Ғурийлар ҳарбий кучларининг бош саркардаси Шаҳобиддин буюк жангчи эди. Ҳатто Маҳмуддан ҳам кўра каттароқ ҳудудга эга бўлган Шаҳобиддин империя тузиш ниятида бўлиб, 1175 йили Ҳиндистонга дастлабки ҳужумданоқ исмоилийлар ҳокимидан Мўлтонни тортиб олди. Жанубда ҳозир Баҳовулпур деб номланадиган, ўша даврда муҳим сиёсий ва маданий марказ ҳисобланган Уч шаҳрига борди. У ҳиндларни писанд қилмай, кўп хатоларга йўл қўйиб, оқибатда ҳинд рожаларидан икки марта мағлубиятга учради. Биринчи марта 1179 йили Шарқий Панжоб рожаси билан бўлган жангда шундай бўлди. 1181 йили қайта жангга киришиб, авлодини асраб қолди. У Пешаворда қалъа қурдирди, кейинроқ ғазнавийларнинг Лохўрдаги сўнгги раҳнамоси устига ҳужум қилиб, ҳиндларнинг Жамна рожаси билан иттифоққа киришган ҳолда уни енгилга муваффақ бўлди. Хусравшоҳ Ғазнавий асир олиниб, 1182 йили Ғазнага жўнатилди. Шаҳобиддин Силкотда қалъа бунёд эттирди. Шундай қилиб, у Панжобнинг камида учдан икки қисмида ўз мавқеини сақлаб қолишга эришди.

ШАҲОБИДДИН ҒУРИЙ ВА ПРИСВИ РОЖ. Ҳиндистон учун жангга ҳозирлик кўрилди. Шаҳобиддин Ғурийга ундан анча кучли рақиб Ажмер ва Деҳли рожасининг буюк жангчиси Рож қарши турган биринчи тўқнашувда ҳиндларнинг қўли баланд келди. Шаҳобиддин жануби-шарқий Панжобда Снесар яқинидаги Тараин кенти атрофида мағлубиятга учраб, ўзи мардларча олишувда оғир ярадор бўлди. Бу лашкарларни тушкунликка тушириб юборди. Шундай вазиятда ҳарбий бошлиқлардан бири ярадорни олига ортиб, жанг майдонидан олиб чиқиб кетди. Ғурий аскарлар тумтарақай қочиб қолишди. Ана шу воқеа кўплаб машҳур ҳинд қўшиқлари ва ҳикояларига мавзу бўлган. Номусга қолган Шаҳобиддин душмандан қўрқиб қочган барча аскарларни жазолади. 1192 йили у катта куч билан шу ерга яна қайтиб келганида Присви Рож кўплаб иттифоқчилари билан биргалашиб унга қарши турди. Ҳиндлар ва мусулмонлар ўртасида аёвсиз жанг бўлиб, бу гал Шаҳобиддин Ғурий ғалаба қозонди. Присви Рож олишувда ҳалок бўлди, умуман унинг қўшини кўрган талафот ҳам катта эдики, бу ҳиндларнинг қаршилиқ кўрсатишини тўхтатиб қўйди. Присвида душман бўлган ва унга ёрдам қўлини чўзмаган канаужалик Рожа Жайчанд мусулмонларга қарши кураш давом эттирди. Лекин у ҳам мардона жангда ажал топди. Шаҳобиддин ўз ўрнига Қутбиддин Ойбекни қолдириб, ўзи Ғазнага жўнаб кетди. Бироқ Катхиавар Гужаратидан бўлган рожа Бҳима Дева би-

лан курашиш мақсадида 1197 йили яна қайтиб келиб, ғалаба қозонди. Шу орада додхо Бахтиёр Ҳолжий Шарқий Ҳиндистоннинг Бенгалгача бўлган бўлагини босиб олди. Энди бутун Шимолий Ҳиндистон мусулмонлар тасарруфига ўтган эди.

ҚУЛЛАР СУЛОЛАСИ. ҚУТБИДДИН ОЙБЕК (1206-1210 йиллар). Акаси Ғиёсиддин вафотидан кейин ғурийлар империясига бош бўлган Шаҳобиддин юксак мартабасининг ҳузурини узоқ кўролмади. 1208 йили Панжоб ғарбида қоҳар қабилалари ўртасида уруш чиқиб, уларга қарши курашган Шаҳобиддин ғолиб келди, лекин у Ғазнага қайтиб келаётганда тунда юз берган тўқнашув пайтида ўлдирилди. Унинг Ҳиндистондаги маслаҳатчиси Қутбиддин Ойбек шу мамлакатнинг шимолий қисмига ҳоким бўлиб олгани бошқа додхоларнинг кўнглига қаттиқ тегди. Уларнинг энг кўзга кўринган вакилларида бири Тожиддин Йилдиз Кобулда ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди. Насриддин Қабача эса Мўлтон ва Синдни босиб олди. Бошқаларни ўзига бўйсундирган уларнинг энг кучлиси, ҳаддан зиёда зўр бўлган Қутбиддин 1210 йили Лохўрда човгон ўйнаётганида отдан йиқилиб қазо қилди. Унинг мақбараси шаҳарнинг энг кўзга кўринадиган жойидан ўрин олган. Самимий инсон Қутбиддинга халқ Лакбахша (юз мингларга яхшилик бахшида қилувчи) унвонини берди. У Меҳраули харобаларида сақланиб қолган ашёлардан фойдаланиб, Деҳлининг чеккасида катта масжид қурилишини бошлаб юборди. Кутуб минораси ҳам шу масжидга мўлжалланган эди.

ЭЛТУТМИШ (1211-1236 йиллар). Қутбиддиндан кейинги ҳукмдорларнинг кўпчилиги собиқ қуллардан бўлиб, халқ орасида қул подшоҳлар сулоласи сифатида маълум эди. Улардан ҳинд тарихида из қолдирган икки кишини – Элутутмиш ва Балбанни алоҳида ажратиб кўрсатадилар. Элутутмиш Деҳли зодагонлари талаби билан 1212 йили тахтга ўтирди. Салоҳиддиннинг ғурий додхоларидан бўлган бу раҳбарни Бағдод халифаси ҳам Деҳли султони сифатида эътироф этиб, Султони Аъзам унвони билан тақдирлади. Тожиддин Йилдиз ва Насриддин Қабача қарши бош кўтаришга шайланганларида Элутутмиш уларни бостирди. Салоҳиддин эса ғурийларга тегишли барча ерларга султон бўлиб олди. У 1226 йилда Рантхамборни қўлга киритиб, 1230 йили Деҳлидан ажралиб чиқмоқчи бўлаётган Бенгални қўшиб олди. 1234 йили Малвани, келгуси йили Ужайнни эгаллади. Бу воқеа Элутутмиш подшоҳлигида юз берган бўлиб, ўшанда хоразмлик шахзода Жалолиддин Мангуберди ёрдам сўраб Деҳлига мурожаат қилган, бироқ Ҳиндистонга мўғуллар эътиборини тортишни хоҳламаган Элутутмиш бу илтимосни рад қилган эди. Энди у ўзи қаттиққўллик билан бирлаштирган мамлакатда тартиб ўрнатишга тутинди. Деҳлилик авлиё Ҳожи Қутбиддин Бахтиёр Қоқий номи билан аталган Кутуб минораси қурилишини якунлади. Арклари ҳозиргача сақланиб қолган муҳташам Қувватул-Ислом

масжидини бунёд этишга киришилди, лекин у поёнига етмай қолди.

ҒИЁСИДДИН БАЛБАН (1266-1290 йиллар). Эл-тутмишни унинг ўғли алмаштирди. Ундан кейин тахтга чиққан ёш қизи Султона Розияга аёл боши билан оғир даврлар синовидан ўтишга тўғри келди. Аёнлар унга қарши уюшдилар, Султона Розия қўлида қилич билан жангда ҳалок бўлди. Шундан кейин Эл-тутмишнинг бошқа бир ўғли – Насриддин Маҳмуд тахтга ўтирди. Тақводор, соғлом фикрли ва меҳнатсевар бу ҳукмдор ўз вазири додхо Ғиёсиддин Балбанга кўп жиҳатдан ҳомийлик қиларди. Насриддин алмаштирган Балбан буюк шаҳаншоҳ бўлиб қолди. Ўз вақтида вазир сифатида Насриддинга қарам бўлгани учун у тўлиқ ҳокимиятга эга эмасди, мамлакат унинг кўнгилдагидек бошқарилмас, ғазна эса деярли бўшаб қолган эди. Турк зодагонлари ҳаддан ташқари кучайиб кетишган, шарқи-ғарбий вилоятларга эса мўғуллар бот-бот ҳужум қилиб турардилар. Балбанга энди шу муаммолар билан ҳам шуғулланишга тўғри келди. Дастлаб у отлик аскарлари сонини кўпайтириб, қўшинларини кучайтирди, ўзи энг яхши ҳарбий бошлиқларни тайинлади ва пировардида уларни кенг миқёсда босқинчилик билан машғул бўлиб келаётган Мевар ражпутларига қарши йўналтирди. Ражпутлар Деҳли яқинидаги ўрмонларда яшаб, барчанинг у ёқ-бу ёққа ўтиб кетишига монелик қилишарди. Балбан бу босмачиларни тор-мор келтиргач, Ганга ва Жамна дарёси ўртасида жойлашган ерларга ўтиб, Кампил ва Бхожпур ўрмонларини қўлга киритди, ўзига қалъалар қуриб, уларга кучли мусулмон лашкарларини жойлаштирди. Энди у зодагонларга ерларни янги шартлар ва тартиб-қоидалар асосида бера бошлади, кўп ўтмай мамлакатдаги барча ишлар устидан тўлиқ назорат ўрнатилди.

МЎҒУЛЛАР ВА БЕНГАЛ. Мўғуллар Деҳли султонлиги сарҳадларига яқинлашиб қолган эдилар. Улар Кобулни эгаллашган ва Панжобга деярли ҳар йили ҳужум уюштириб турар эдилар. Балбан шимолга йўл олиб, Лохўр қалъасини тиклади, жасур ўғли Муҳаммадни Мўлтон ҳокимлигига тайинлади. Бошқа бир ўғли Буғрохонга Панжобни ишониб топширди. Шундай қилиб, бу икки ака-ука чингизийларга қарши дахшатли куч бўлиб, уларга кетма-кет зарба бериб турдилар. Бахтга қарши Муҳаммад қуршовда қолиб, ҳалок бўлди. Айтишларига қараганда, у мўғуллар ҳужумини қайтариб, ибодат қилаётган пайтида ўлдирилган. Бу Балбанга қаттиқ зарба бўлиб тушди. Балбан айна шу аснода исён уюштирган Бенгал ҳокими Тўғрилхонга қарши курашишга мажбур бўлди. Дарғазаб султон қочиб қолган Тўғрил кетига тушиб, уни шарқий Бенгалнинг қалин ўрмонларида ушлаб қатл қилди. Ўғли Буғрохонни Бенгал ҳокимлигига тайинларкан, унга қатъий кўрсатмалар бериб, ўзи Деҳлига қайтиб кетди.

БАЛБАНИНГ ҲОКИМЛИГИ. Балбан ўз вақтида шарқдаги энг кучли ҳукмдор саналарди. Унинг шуҳрати узоқ-узоқларга ёйилиб, кўплаб мусулмон шаҳзода-

лар ва давлат бошлиқлари уни зиёрат қилишга келиб туришарди. Балбан Ислон қонунларини ишлаб чиқди, Ҳиндистоннинг юқори қисмини мусулмон дунёсининг бир бўлагига айлантирди. Уни кўплаб билимдон кишилар қўраб олган бўлиб, улар ихтиёрига Султон Насриддин асос солган мактаб бериб қўйилган эди. Машҳур олим ва шоир Амир Хусрав Деҳлавий унинг саройининг кўрки эди. Вазирлардан бири бўлган Амир Хусрав аслига кўра ёзувчиларга ҳомийлик қилар, унинг ажойиб ўғли Муҳаммад эса атрофига даврнинг энг яхши кишиларидан тўплаган эди. Шаҳзода форс шоири Саъдийга йўллаган номасида уни Мўлтонга таклиф қилиб, бу ерда махсус катта хонақоҳ қурдиришга ваъда берди. Балбан подшоҳлиги даврида жуда кўп машҳур кишилар яшаб ўтдилар. Пакпатанлик Шайх Фарид Шакар Ганжа, мўлтонлик Шайх Баҳовуддин Закария, ғазналик Шайх Бадриддин Ориф ва деҳлилик Хожа Қутбиддин Бахтиёр Қоқий шулар жумласидан эди. Бошқа бир номдор шахс – Сайёд Мавло Деҳлида лангархонали мадрасага асос солиб, уни бутунлай талабалар ихтиёрига бериб қўйди. Шунинг учун ҳам Балбан салтанати буюк ақлий фаоллик даври бўлди.

ҲОЛЖИЙЛАР (1290-1320). АЛОУДДИН ҲОЛЖИЙ (1296-1316 йиллар). Балбанга узоқни кўра билмайдиган кишилар ворис бўлдилар. Кўп ўтмай султонлик ҳолжий туркларининг раҳнамози Жалолиддин Ҳолжий кўлига ўтди. Кекса бўлишига қарамай, ажойиб ҳарбий саркардалигича қолган бу киши ҳукмронлик қила бошлаган даврдаёқ мўғулларнинг ниҳоятда катта ўрдаси Ҳиндистонга бостириб киришга ҳаракат қилиб кўрди. Жалолиддин уларга пешвоз чиқиб, қақшатқич зарба берди. Унинг жияни ва вориси, кўпгина ажойиб фазилатлар соҳиби Алоуддин шу сулоланинг энг кўзга кўринган вакили эди. Бу шаҳзода ҳали тахтга ўтирмасиданоқ Деканга тегишли юқори подшоҳликларни босиб олиб ва у ердаги рожаларни тоvon тўлашга мажбур қилиб улгурди. Шахсий маслаҳатчиларининг иғвосига учиб, жонажон тоғасини қатл этгани унинг таржимаи ҳолида қора доғ бўлди. У Ҳиндистон тарихида қолдирган из юзлаб йиллар давомида ўчмади. Алоуддин темир иродали, урушлар олиб боришда чарчоқ билмас ва тинчлик даврида фидокор меҳнаткаш эди. У барча давлат идоралари иши билан қизиқиб, кўп жиҳатдан раҳбарликни яхшилашга хизмат этадиган қарорлар қабул қилди. Фаннинг катта ҳомийси бўлган бу инсон мактаблар ва мадрасаларга сахийлик билан ёрдам бериб турди.

УРУШЛАР ВА ҒАЛАБАЛАР. У подшоҳлик қилган ўн икки йил давомида кўп ўзгаришлар юз берди. Деярли ҳар йили кўзғолон кўтариб турадиган маҳаллий ҳиндлар, ражпутларнинг қаршилигига биринчи бор чек қўйилди. Унинг укаси Зафархон шимоли-ғарбий вилоятларни мўғуллардан ҳимоя қилиб турди. 1211 йили мўғуллар бошлиғи Қутлуғхон Ҳиндистонга кучли қўшинлар киритиш билан барча қаршиликларни йўққа чиқара бориб, тўппа-тўғри Деҳлига томон йўл

олди. Зафархон жангда кўрсатган ажойиб жасорат душманни гангитиб қўйди. Лекин Зафархон ярадор бўлди, ҳолжийлар қаршилигидан ўзларини йўқотиб қўйган мўғуллар шошилишчи равишда тисланишга мажбур эдилар. Беш йилдан кейин қайтиб келганларида улар яна шафқатсиз зарбага учраб, қайта кураш олиб боришни узоқ вақт эсларидан чиқардилар. Бу сафар Ғози Малик даъватига жавобан Панжоб вилоятини унинг ҳокими Ғиёсиддин Туғлақ ҳужумдан сақлаб қолди. Алоуддиннинг бошқа укаси Улуғхон Гужарат подшоҳлигини эгаллаб, унинг гўзал Рани, Камол, Деви шаҳарларини бутун чексиз бойлиги билан қўшиб қўлга киритди. Алоуддиннинг ўзи ражпутларга қарши бориб, Рантханбор ва Читторни эгаллади. Шундан кейин у ражпутларнинг Ужайна, Манду, Дхар ва Чандери вилоятларини босиб олди. Гўё у ўзи меҳр қўйган Рани ва Падминиларни кўриш иштиёқида Читторга ҳужум қилгани тўғрисидаги гап-сўзлар ҳақиқатдан йироқдир. Алоуддин ниҳоятда жиддий киши бўлиб, айш-ишрат кетидан қувиш унинг табии атига ёт эди. 1310 йили Алоуддиннинг ҳабашистонлик додхоси Малик Кофур ҳокимиятни зўравонлик билан тортиб олишга уринган қарши курашда ёрдам сўраган Пандя шахзодаларидан бирига мададкор бўлиш учун жанубга йўл олди. Шунгача Малик Кофур Какатайслар подшоҳлигини ва Ўрта Декандаги Ҳойсала шаҳрини босиб олай деб турган эди. У Мадурага яқинлашганида, ҳокимиятга интилувчи зўравон жуфтакни ростлаб қолди. Кофур эса шаҳарга кириб бориб, бойликни тақсимлашда қатнашаркан, қўлида тасаввурга сиғмас даражада катта куч тўпланганини ҳис қилди. Деканни эгаллагач, Алоуддин Ҳиндистоннинг биринчи императори бўлди. Бу империя Муҳаммад Туғлақ ҳокимияти интиҳосигача сақланиб келди.

АЛОУДДИННИНГ ҲУКМДОРЛИГИ. Мамлакатда шариат қонунлари амал қилса-да, яқка ҳокимлик тарафдори бўлган Алоуддиннинг айтгани - айтган, дегани - деган эди. Айни бир пайтда у Исломнинг маънавий раҳнамоси бўлишни ҳам хоҳларди, лекин унинг самимий дўсти ва машҳур мусулмон руҳонийси дехлилик Қутвал унга ўз тасарруфидаги ўлкаларни оғзаки буйруқлар асосида бошқариш билан кифояланишни маслаҳат берди. У бундай таклифни рад этиш билан ўзи чиқараётган қарорларга уламоларнинг аралашувини таъқиқлаб қўйди. Алоуддин ҳисоб-китобли тузумни жорий этиб, товарларга баҳолар белгилаб берган, аскарларга нафақалар тўланишини йўлга қўйиб, мамлакат даромадини барқарорлаштирган, махфий бозордаги савдо-сотикни, нопок қилмишларни қатъий жазога лойиқ деб эълон қилган адолатли инсон эди. У ҳатто миршабли назоратни жорий эта бошлаганди. Буларнинг ҳаммаси ва бошқа ишлар уни бағоят маърифатли ҳукмдор сифатида элга танитди.

АЛОУДДИННИНГ ВОРИСЛАРИ. Шунга қарамасдан, унинг умри бахтли якун топмади. Ҳаётининг сўнгги йилларида у Малик Кофурга жуда суяниб қолган, бу маккор кимса эса унинг ҳузурида тобора куч-

га тўлиб борар эди. Табиий равишда масала Малик Кофурнинг уни заҳарлаши билан якун топди. Малик Кофурнинг ўзи йирик ҳарбий саркарда ва таниқли ҳукмдор бўлгани ҳолда унинг ворислари номуносиб кишилар бўлиб чиқди. Ўзи ҳам бир неча вақт ҳукм сураккан, тобора ўта баттол ва баджаҳл одамга айлана борди. Алоуддиннинг ўғилларини кўр қилди, онани – маликани эса қамоққа олди. Бироқ кўп ўтмай, аъёнлар қарши кўтарилишиб, уни қатл этишди. Алоуддиннинг кенжа ўғли, деярли гўдак Қутбиддин Муборак тахтга ўтқазилди. Лекин у ўз атрофига тубан кишилардан шерик тўплаб, дўст-душманни ажрата олмаслигини кўрсатди. Ҳиндлар динини янги қабул қилган паст табақага мансуб Хусрав исмли калтафаҳм киши унга рақиб эди. Гарчи баъзида жанг майдонида катта жасорат кўрсатиб турса-да, Муборак аста-секин тўлиқ унинг таъсирига тушиб қолди. Хусрав қарши фитна уюштириш билан машғул бўлиб, охирида уни ўлдиришга ҳам эриша олди. Подшоҳлик тахтига ўтиргач, у Исломни рад этиб, Ҳиндлар динини тиклай бошлади. Масжидларда бутлар ўрнатиб, Ислом динини намойишкорона ҳақорат қилишга ўтди, шу даражада писандсизлик билан Қуръонга шак келтира бошладик, буни кўрган Ҳиндлар ҳам ундан юз ўгиришди. Мўғулларга қарши олиб борилган қирқта жанг қаҳрамони Ғиёсиддин Туғлақни сарой аъёнлари тахтни эгаллашга таклиф қилдилар. Шу даврга келиб бирорта ҳам ҳолжий шахзода қолмаганидан Ғози Малик ҳам бу таклифни қабул қилди.

ТУҒЛАҚЛАР (1320-1413 ЙИЛЛАР). Муҳаммад Туғлақ (1325-1351 ЙИЛЛАР). Шундай қилиб Ғиёсиддин Туғлақ ўз сулоласининг биринчи султони бўлди. Ёши қайтган бўлишига қарамасдан, ҳарбий саркардаликда ҳали ҳам унинг тенги йўқ эди. Ғиёсиддин юқори Декандаги Варангални, сўнгра 1324 йилда Шарқий Бенгални ўз тасарруфига қайтарди. Кўплаб ислохотлар ўтказди, Алоуддиннинг ворислари қарийб барбод қилган маъмурий идора ишини ўнглади. Султоннинг катта ўғли шахзода Жуна бу оиланинг ҳақиқий доҳийси бўлиб етилиб, Ғиёсиддин вафотидан кейин 1325 йили тахтга чиқди. Тарихда Муҳаммад Туғлақ номи билан машҳур бўлган бу ҳокими мутлақ даражасидаги истеъдодли подшоҳ бутун дунёда ва бирор даврда ўтмаган бўлса керак. Буюк олим, ажойиб тилшунос бўлган Муҳаммад дин, фалсафа, риёзиёт, илми нужум ва адабиёт соҳасида жаҳондаги ҳар қандай одам билан баҳс юритишга қодир эди. Унинг қимматли фикрлари ўнлаб султонларнинг бутун умрини безашга етарлидир. Лекин, минг афсус, Муҳаммад керагидан барвақт дунёга келган эканки, замондошлари уни тушуна олмадилар ёки ҳеч бўлмаганда фикрларини асраб қола билмадилар. Унинг ғоялари даврдошлари учун шу қадар мавҳум эдики, улар ҳатто бу донишмандни Жуна тентак деб атай бошладилар. Буюк мусулмон сайёҳи Ибн Батутта ўша пайтда Ҳиндистонга келиб, унинг саройида узоқ қолиб кетди. Муҳаммаднинг подшоҳлиги тўғрисида тарихчи Зиёвуддин Барний ҳам ёзиб қол-

дирган. Бу инсоннинг хулқ-атворини ўрганган ҳар бир киши унинг қиёфасида ўзига яқин одамни кўра билди. Ярим ёввойи табиати туфайли уни баъзида умуман тушуниб бўлмасди. Ўзи ишлаб чиққан буюк лойихалари барбод бўлгач эса, унинг тажарбалиги, серзардалиги айниқса ҳаддан ошиб кетди. Ниҳоятда омадсиз инсон эди, дейилиши у тўғридаги энг адолатли фикр бўлса керак.

МУҲАММАД ТУҒЛАҚ ЭРИШГАН ЮТУҚЛАР.

Жамна ва Ганга дарёлари ҳавзасидаги аҳолидан олинadиган солиқни қайта кўриб чиқиши ва аниқлаши унинг дастлабки ислоҳоти бўлди. Ўша пайтда ҳосил пастлигидан кишиларнинг солиқ тўлашга қурби етмасди. Уларнинг ночорлигини кўрган султон қарз бериб, ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб турди ва ҳатто ташландиқ ерларга ғазна ҳисобидан ишлов берилишини йўлга қўйди. Бу ғояларда бемаънилиқдан асар ҳам бўлмаганига қарамасдан, улар амалга ошмай қолди: халқ олдин қарор топган тартибларни ўзгартиришни истамади, султон эса буни тушунишдан ожиз эди. Империянинг жанубий сарҳадлари кенгайиб кетганди, унинг шимолида эса мўғуллар босқинчилигининг хавфи ҳали ҳам сақланиб турарди. Султон ўз маблағларини давлат эҳтиёжлари учун сарфлашга қарор қилди. У кўпгина ҳинд подшоҳликларининг пойтахти бўлиб келган Виндхярдан нарида жойлашган қўҳна Деори шаҳрини ўзи учун танлаш билан мўғуллар босқинидан хавфсизлигини таъминлаб олди. Шаҳарга Давлатобод номини бериб, у ерда саройлар, меҳмонхоналар ва мактаблар қурдирди. Дехлидан то шу шаҳаргача кенг йўл ётқиздириб, унинг ҳар иккала томонини дарахтзорга айлантирди. Мол-мулкларини янги пойтахтга кўчириб ўтишлари учун аҳолига қарз берди, баъзилар ундан воз кечган бўлсалар, бошқа бировлар бундай таклифга ёқар-ёқмас рози бўлдилар, кўплар узр сўраб қўя қолишди. Султон барчага ёқишни хоҳлар ва бу билан яхши иш қиляпман, деб ўйлар эди. Шимолий Ҳиндистон аллақачон бепоён Ислom дунёсининг бир парчасига айланганидан у Деканни ҳам шунга қўшишни ўйларди. Янги пойтахт марказга анча яқин жойлашганди, лекин аҳоли буни ҳам тушуниб етмади, натижада мазкур ғоя ҳам чип-пакка чиқди. Бу жуда қимматга тушиб, у пойтахтни яна Дехлига кўчириш тўғрисида амр берди.

БОШҚА ВОҚЕАЛАР. Пул етишмаслиги бошлангани сабабли султон қоғоз пуллар ва майда тангалар чиқартирди. Бу даврда қоғоз пуллар Хитойда аллақачон муомалада эди. У мис тангаларга ўйма тасвирлар зарблашни жорий этди, лекин халқ буни қабул қилмади. Ҳозир биз безакли қимматбаҳо қоғозлардан кўп фойдаланамиз, бироқ ўша пайтда кишилар бунинг мазмунини англаб етмадилар, оқибатда яна бир ғоя барбод қилинди. Султон аҳоли ўзида йиғилиб қолган кераксиз мис чақаларни хазинага топширгани эвазига кумуш ва тилла пул қайтаришни одат тусига киритди. Муҳаммад ўша пайтда Ҳиндистонга бости-

риб келган мўғулларни қарши олди. Баъзилар гўё султон халқини ташлаб қочгани тўғрисида миш-миш тарқатдилар. Ишқилиб, мўғуллар даф бўлишди, лекин одамлар Муҳаммадни бунинг учун ҳам қораладилар. Шу боисдан унинг мўғулларни таъқиб қилиб боргиси келди. Катта қўшин тўплаб шимоли-ғарбга юборишга қарор қилган жойида фикридан қайтди. Иккинчи томондан, Ҳимолайда яшовчи қабилалар ҳужуми бошланиб кетди. Бу ҳозирги гурҳасларнинг аجدодлари бўлган гарҳвалилар томонидан бизнинг давримизда Уттар Прадеш ва Бихар номларини олган ўлкаларга уюштирилган ҳужум бўлса ажаб эмас. Султон қарши қўшинлар юборди, лекин кучли қор тўфони уларни сочиб ташлади. Одамлар орасида “Муҳаммад тентак Хитойни босиб олиш ниятида Тибетга қўшин йўллади” деган гап-сўзлар ёйилдики, бу бўҳтон эди. Ана шу муваффақиятсизликларнинг барчаси аҳоли исёнига сабаб бўлди. Тадбиркор додхо бўлган султон бир қанча исёнкор ҳокимларни бостиришга эришди, бироқ вилоятларнинг аксарияти марказга қарши чиқиб, мустақил бўлиб олди. Кўпгина ҳукмдорлар Кашмир, Бенгал, Гужарат, Декан сингари вилоятларда мўғуллар келгунларига қадар икки юз йил мобайнида куч-қудратини сақлаб қолган ўз сулолаларини вужудга келтирдилар.

ФИРУЗ ТУҒЛАҚ (1388-1422 йиллар). Муҳаммад Туғлақ 1351 йилда вафот этди. У тўғрисида ёқимсиз сўзлар анча вақтгача давом қилди. Зодагонларнинг қатъий талаби билан Муҳаммад Туғлақнинг амакиваччаси бўлган Туғлаққа тахтни таклиф қилдилар. У Аллоҳ таолодан кўрқадиган одам бўлгани учун бу масалани қозилар ва уламолар муҳокамасига қўйиб, улардан фатво олганидан кейингина тахтни эгаллашга розилик бериб, подшоҳ бўлди. Фируз мамлакатнинг маъмурий идорасини соддалаштириш борасида кўп ишларни амалга ошириб, муайян ижобий натижаларга эришди. Бироқ ҳарбий истеъдоди етишмаганидан илгари бой берилган ерларни қайтариб ола билмади. Шундай қилиб, 1300 йиллар атрофида Алоуддин Ҳолжий подшоҳлиги даврида вужудга келган Ҳиндистондаги мусулмонлар империяси 1350 йилда яна Дехли султонлигига айланди. Баҳманийлар бошчилик қилаётган Декан мустақилликка мушарраф бўлди, Ҳандеш ва Гужарат, Малва ва Бенгал, шунингдек, шимолда Кашмир султонлик тасарруфидан чиқиб кетишди. Фируз Бенгалга қарши икки марта уюштирган ва ҳатто унинг амирига жанг қилган бўлса ҳам, Синддан бошқа қўлдан кетган ерларини қайтариб олишга муваффақ бўлолмади. Шарққа юришида у Зафаробод деган жойда тўхтаб, ўша ерда қадрдон амакиваччаси – Муҳаммад Туғлақ номи билан машҳур бўлган Жуна шарафига Жунпур шаҳрига асос солди. Синдда муваффақиятли кураш олиб бориб, унинг амирларига ўз ҳукмронлигини тан олдирди.

(Давоми бор)

ЯШАШНИНГ ОСОН ЙЎЛИ

ЁКИ ҲАЁТ МАШАҚҚАТЛАРИНИ ЕНГИШ ОМИЛЛАРИ

ҲИКМАТУЛЛОҲ ОТАНИНГ УМИДЖОНГА МАКТУБЛАРИ

(ИККИНЧИ МАКТУБ)

Иним Умиджон! Менга йўллаган мактубингизда ҳаётда жуда қийналиб кетганингизни, ҳар томондан ташвиш ва муаммолар ўраб олганини, нима ишга қўл урсангиз ҳам кўнгилдагидай чиқмаётганини, атрофингиздаги одамлардан ҳам ҳафсалангиз пир бўлиб, ҳамма нарсадан совиб кетганингизни куюниб ёзибсиз. Нима ҳам қила олардингиз? Аллоҳ таолонинг яратишдан муроди ва ҳикмати ҳам – шу!

Ҳақиқатан инсоннинг ҳаётига теранроқ назар солсангиз, унинг ҳар бир жабҳада фақат роҳат излашини, ана шу роҳат йўлида жуда кўп нарсасини қур-

бон қилиб юборишини тушуниб етасиз. Инсон зоти бир лаҳзалик роҳати учун кейинчалик қанчалар қийналишини ва катта тўловлар беришини билиб-сезиб турса ҳам роҳат излайверади. Унинг жисми ҳам, руҳи ҳам, ақлу идроки ҳам ҳамиша роҳат истагида бўлади. Бунда инсон зотини айблаб бўлмайди. Чунки уни Аллоҳ шундай қилиб яратган. Унинг энг катта бобоси жаннатдан чиқарилгани учун одамизод ҳамиша жаннатдаги роҳат-фароғатини қўмсаб яшайди.

Аммо одамлар билишмайдики, Парвардигор инсонни фақат меҳнат-машаққат учун яратган.

Ҳақиқий роҳат-фароғат, орзу қилинган беками-кўст, хавф-хатарсиз ҳаёт фақат у дунёда бўлади. Жаннат боғларида бежавотир сайр этсангиз, “онаси ўпмаган” ҳуру филмонлар даврасида мазза қилиб айшингизни сурсангиз, инсон ҳаёлотини ва тафаккури қамрашга қодир бўлмаган анвойи неъматлар, айшу тараб, кўнгилхушлик ва сурурларга ғарқ бўлсангиз, фақат ўшандагина чинакам роҳат нимада эканини тушуниб оласиз.

Инсонларга берилган дунё ҳаёти фақат ташвиш, заҳмат, дилхираллик, беморлик, ёвузлик, ғам-мусибат, фитна, фалокат, алам, ҳақсизликлар билан тўлиб-тошган. Атрофингизга бир боқинг: ҳар томонлама чинакам бахтиёр бўлган, чин саодатни



қўлга киритган бирор кишини кўрармикинсиз? Кимнингдир тўрт мучаси соғ, ўзи омон бўлса ҳам, Аллоҳ уни бошқа бирор нарсадан, масалан фарзанддан қисган. Бошқа бирининг ўнта фарзанди бор, аммо ҳаётда роса қийналиб яшайди, кам-кўстини сира тўкин қила олмайди. Яна бировга Парвардигор мансабни ҳам, бойликни ҳам, соғлиқни ҳам етарлича берган, аммо хотини ғирт расво, бирор куни жанжал-ғишавасиз ўтмайди, егани ичга тушмайди. Яна кимгадир дунёдаги ҳамма яхшилик ато қилинган, аммо ўзи бирор тузалмас дардга ёки мажруҳликка гирифтор қилиб қўйилган. Кимнидир ҳусндан, бошқасини ақлдан, ўзга кимнидир яна бирор неъматдан қисиб қўйган.

Ҳа, инсонийликнинг қисмати шундай! Кўплар катта пул, бойлик топсам, ташвишсиз, мазза қилиб яшайман, деб хато ўйлайди. Ташвишнинг каттаси ана шу пул-бойлик қўлга келгандан кейин бошланади. Бойликдан ажраб қолмаслик учун бор куч-қувват ва тадбиркорликни сарфлашга тўғри келади. Ҳозиргача бирор кишининг бойлик орқали бахтли бўлганини кўрганимиз йўқ. Чунки Аллоҳ таолонинг иродаси, ҳикмати шундаки, У зот бандаларига ҳамма нарсани мукамал қилиб бермаган. Қолаверса, бу дунёда инсонларни чинакам бахтли қилиш ваъдасини ҳам бермаган. Бир неъмат келса, бошқаси албатта заволга учрайди. Тўкинлик ва бахт бир-бири билан асло муроса қила олмайди. Соғлиқ ва бойлик асло бир кўчадан юрмайди. Бойиб кетсам, хотиржам яшайман деб ўйлаганлар бойликка эришгач тинчлик-хотиржамликларини бой бериб қўйишганини, соғлиқларидан ажраб қолишганини тушуниб, аламдан тирсакларни тишлашади.

Аллоҳнинг тақдири шуки, неъмат ортидан йўқчилик, қийинчилик келади. Бойликдан кейин албатта фақирлик ёки камбағаллик ортидан яна бойлик эшик қоқиб туради. Бемор бўлсангиз, вақти-соати етиб, шифо топасиз, чунки дард берган Аллоҳ унинг шифосини ҳам албатта беради. Қийинчилик ва машаққат орқасидан албатта яна яхши кунлар, кенгчилик бўлади. Дунё гўё бир чархпалак, бугун чархпалак остига тушиб қолганлар эртага энг юксакликка кўтарилади. Кеча ва кундуз тинимсиз алмашиб турганидай, яхши ва ёмон кунлар, бахт ва бахтсизлик, мусибат ва сурур, ғам ва хурсандчилик ҳамиша ана шундай бир-бирини қувиб юради.

Ҳақиқат шундай бўлгач, бундай ҳолатларда инсон қандай йўл тутиши, нималарга эътиборли бўлиши керак. Ислон динимиз барча соҳалар каби бу мушкулотларнинг ҳам чиройли ечимини топиб берган. Мусулмон киши Парвардигорининг бало-мусибатларига дуч келиб қолса, фақат Унинг Ўзига юкунади, Ундан сабр ва матонат сўрайди, Унинг раҳматидан ва иноятдан умидвор бўлади. Бошига мусибат ёки бало келса, буни Аллоҳнинг бир синовини сифатида қабул қилади, оҳ-вой қилмайди, бошқаларни айбла-



майди, ўзини ҳар томонга уриб, сабрсизлик кўрсатмайди. Чунки у ҳар бир бахтсизлик ортида яна саодат борлигини, “қора кунлар”дан кейин албатта ёруғлик келишини, беморлик албатта вақтинчалик бир синов эканини яхши билади. У Парвардигорининг синовларини ҳам ўзига ато қилинган бир неъмат сифатида кўради. Бунинг мукофоти борлигини тушунади, сабр билангина буюк Холиқнинг розилигини топишига ишонади. Мусулмон кишининг бошқалардан фарқи ва афзал томони ҳам шунда!

Мусулмонларнинг бошқалардан яна бир устунлиги борки, ҳаёт фақат ушбу дунё ҳаётидангина иборат деб ўйлайдиганлардан фарқли равишда улар дунё ҳаётини Аллоҳнинг Ўзига биладиган ҳикматга кўра инсонларга вақтинча берилган бир муҳлат сифатида қабул қилишади. Шунинг учун бу фано дунёсига ортиқча кўнгил қўйишмайди, маълум муддатга келиб кетувчи бир мусофир сифатида яшашга уринишади. Аллоҳнинг неъматларидан синов дунёсида яхши амаллар, эзгу ишлар қилиб, Парвардигорлари розилигини топиш учунгина фойдаланишади. Мусулмон кишининг афзаллиги ҳам, ютуғи ҳам, топган ҳикматию қўлга киритажак мукофоти ҳам айнан ана шунда!

Охиратга, ўлгандан кейин қайта тирилишга, ҳамманинг Парвардигор ҳузурида албатта ҳисобга тортилишига ишонмайдиган кимсаларнинг қисмати жуда аянчли! Улар ана шу ҳақиқатларнинг бирортасига ишонмаганлари, уларни инкор этиб ёлғонга чиқарганлари учун дунё ҳаёти Аллоҳнинг бир имтиҳони эканини англай олмайдилар. Шу боис дунёдан мазза қилиб яшаб ўтиш, унинг бор лаззатлари ва кўнгилхушликларидан иложи борица кўпроқ фойдаланиб қолиш, бор роҳат-фароғатни шу дунёнинг ўзида кўриш, бу йўлда барча жиноят, гуноҳ ва қабиҳликлардан мутлақо тап тортмаслик ҳаракатида бўлишади.

Ўзингиз бир ўйлаб кўринг: ҳамма нарсанинг охири, ниҳояси бўлганидай дунё ҳаёти ҳам бир куни тугайди. Қиёмат соати албатта келади. Аллоҳнинг ҳузурида тўпланиш, ҳисоб-китобга тортилиш, яхши ишлар эвазига жаннат билан мукофотланиш, гуноҳ ишлар учун дўзах азоби билан жазоланиш муқаррар! Иш шундай бўлгач, бу фоний дунёга бунчалик муҳаббат қўйиш нечун? Унинг неъматларини қўлга киритиш учун бунчалик елиб-югуришлар нима учун? Имтиҳон дунёсининг машаққат ва йўқчиликларидан зорланиш, уларни енгаман деб жонни қийнаш, қийналиш нимага керак? Ҳамма нарсага вақтинчалик деб қараш, бошга келган синовларни Аллоҳдан эканини англаб, уларга сабр қилиш, кўпроқ охират ҳақида, унга тайёргарлик кўриш ҳақида бош қотириш осонроқ эмасмикин?

Олдинги аждодларимиз бу дунёнинг фақат машаққат, етишмовчилик ва ҳақсизликлардан иборат эканини яхши тушунишган. Ҳақиқий роҳат-фароғат фақат жаннатда бўлишига иймон келтиришган. Шу боис уларнинг ҳаёт машаққатларини енгишлари, бошга бало-мусибат келганида уларни чиройли сабр ва матонат билан даф қила олишлари бизларга чинакам ибратдир. Буюк олим Аҳмад ибн Ҳанбалдан “Роҳат қачон бўлади?” деб сўрашганида, у киши: “Қачон қадамнинг жаннатга қўйиб роҳатлансанг, чин роҳат ўшанда!” деб жавоб берган эканлар.

Демак, оқил инсон дунё ҳаётида фақат роҳат изламайди, асл фароғатни кўзламайди. Бу дунёда яшашга келдингизми, турли ғам-ташвиш ва кулфатларга, хасталик ва оғир йўқотишларга, хафалик ва умидсизликларга тайёргарлигингизни кўраверинг! Бошга мусибат, машаққат ёки бир бало келганида бундан тушқунликка тушиб, бошингизни ҳар томонга ураверманг. Аксинча, сабр қилиб, буни Аллоҳнинг бир синовии сифатида қабул қилинг. Эвазига охиратда улкан мукофотлар, роҳат ва неъматлар бўлиши орзуси билан яшанг. Аслида мўминликнинг асл моҳияти ҳам шунда!

Мўмин-мусулмонларга дунё ҳаёти асло осон бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Улар ҳамиша дин душманларининг, жангари даҳрийларнинг фитна, найранг, камситиш ва хўрлашларига мубтало бўлиб яшашга маҳкумдирлар. Аллоҳ ва Унинг Расули кўрсатмаларини, амр-фармонларини бажариш йўлида ҳам бир қанча машаққат ва азобларга учрашади. Динларини маҳкам тутиш йўлида бошқа инсонлар дош бера олмайдиган синовларга дуч келишади. Ибодатларини комил, тўқис қилиб адо этишлари ҳам осонгина кечмайди. Намоз, рўза, закот, ҳаж амалларини бажаришлари ҳам фақат машаққат, қийноқ ва йўқотишлар устига қурилади. Бир олим жаннат йўллари фақат қийинчилик-йўқотишлар устидан, дўзах йўллари эса роҳат ва лаззатлар узра ўтади, деб ёзганида минг карра ҳақ эди!

Мўминлар учун бу қийинчилик-заҳматларга чидаш, йўқчиликларга дош бериш чинакам роҳат келтирса, айрим эътиқодсиз, иймони суст кимсалар учун бу азоб-уқубатга айланади, ҳаётини жаҳаннамга айлантиради. Мўминлар барча лаззат, роҳат фароғатни охиратда кўриш таскини билан хотиржам яшасалар, эътиқодсиз кимсалар бу дунёда роҳатини топа олмай, ғурбат ва аламзадалик қийноқларига ғарқ бўлиб, ҳаётдан кўнгиллари тўлмай, таскин топа олмай қийналиб яшашиди. Мўминлар эса дунёда қийналсак, охиратда асл роҳатга эришамиз, деган буюк умид туфайли икки дунёда ҳам саодатни қўлга киритишса, эътиқодсиз кимсалар қисқагина умрни беъмани ўтказиб юбораётганларидан ҳамиша хавфда, изтироблар ичра, надоматлар билан тинимсиз афсус чекишади.

Ҳикоя қилишларича, бир омонатдор киши бўлган экан. У кишини оналари кечанинг охиригача учдан бир қисмида уйғотар экан. У киши: «Онажон, яна озгина ухлаб, бироз роҳатланиб олай» десалар, оналари: «Мен ҳам сени роҳатланишинг учун уйғотмоқдаман-да, қачон жаннатга кирсанг, ўша ерда роҳатланасан», дер экан. Ўтмишдаги олимлардан бири Масруқ саждада ухлаб қолсалар, дўстлари: «Бироз роҳатланиб олсангиз-ку?» дейишар экан. Шунда Масруқ: «Роҳатни хоҳлаб шундай қилмоқдаман-да», деган эканлар. Дунё ҳаётида зиммаларига юкланган илоҳий мажбуриятларни тарк қилиб, фақат роҳатланишга ошиқадиган кимсалар охиратда бошларига тушажак азобнинг ҳақиқатга айланишига шошилувчи кишилاردир.

Демак, чинакам роҳатни истаган ҳар бир инсон солиҳ ва фойдали амалларни қилиш, вақтини фақат Аллоҳга яқинлаштирувчи нарсаларга сарфлаш билан роҳатланиши лозим. Кофир кимса эса насибаси ва роҳатининг шу дунёдагина бўлишини хоҳлайди. Шунинг учун улар «Парвардигоро, бизларга насибамизни ҳисоб-китоб Кунидан илгарийёқ (яъни шу дунёдаёқ) тезроқ келтира қолгин», дейишади (Сод, 16). Яна бир ояти каримада айтилганидай, кофир кимсалар фақат нақд дунёни севишади (Инсон, 27).

Иним Умиджон, сиз зорланаётган бу дунё ҳаёти мана шундай яратилган. Агар сиз чин, асл роҳатни излаётган бўлсангиз, уни фақат охират дунёсидан топасиз. Бунинг учун эса бу дунёда бошингизга тушажак бало-офатларга, машаққат ва мусибатларга сабр қилишингизга тўғри келади. Бордию вақтинчалик барча роҳатни шу ўткинчи дунёнинг ўзида кўриб қолишни истасангиз, у ҳолда охиратдаги асл абадий роҳатдан бебаҳра, насибасиз қолишингизга тўғри келади. Аллоҳнинг яратиш ҳикмати ва қадари бундан бошқача бўлмайди.

**Ҳурмат-эҳтиром билан,
Ҳикматуллоҳ отангиз.**

ИСЛОМДА ФАРЗАНДА ТАРБИЯСИ

ЁЛҒОНДАН ҚОЧИНГ!

Болаларни ҳатто энг майда-чуйда нарсаларда ҳам фақат ҳақни гапиришга, рост сўзлашга, ҳақиқатдан асло чекинмасликка ўргатиб бориш лозим. Имом Муслимнинг ривоят қилишича, Асмо бинти Язид розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: “Бизлардан бирортамиз аслида ёмон кўрмаса ҳам, бирор кишини яхши кўрмаслигини айтса, шу ёлғонга кирадимиз?” деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: “Ёлғон Аллоҳнинг китобида ёлғон деб ёзилган, бундай майда алдовлар кичик алдов деб ёзилган”, дедилар.

Бу каби ҳадислар ёлғондан, ҳатто бир қарашда арзимас кўринган майда алдовлардан жиддий огоҳлантиради, бундай ишлардан четланишни буюради. Бирор ота-она, бирор устоз ва мураббий болани йиғидан тўхтатиш, уларнинг эътиборини бирор нарсага жалб қилиш, жаҳлидан тушириш каби ишларда ўзи ҳам уларга мутлақо ёлғон гапирмаслиги, улардан ҳам ёлғонламасликни талаб қилиши зарур. Бордию ота-она ёки муаллим болаларга ёлғон гапирсаю яна улардан ёлғондан четланишни талаб қилса, бу ёмон иллатдан болани ихоталашда ҳеч қандай натижага эриша олмайди.

Ёлғон сўзлаш ёки ёлғон гувоҳлик бериш динимиз қатъий қоралаган энг ёмон иллатлардан, энг оғир гуноҳ ишлардандир. Бунинг устига ёлғон ва алдовни кўрган болада ўзинин тарбиячиларига бўлган ишонч ва эътибор йўқолади, уларнинг панду насиҳатларини қадрламай қўяди. Бундан кўриниб турибдики, биринчи муаллимимиз ва комил йўлбошчимиз Муҳаммад алайҳиссалом ота-оналарни, устоз ва муаллимларни ёлғон сўзлашдан қаттиқ қайтариб, Аллоҳнинг Китобида ёлғончилардан деб ёзилиб қолмаслик учун ҳатто болаларнинг эътиборини тортиш, тинчлантириш ёки ҳайратга солиш учун ҳам мутлақо ёлғонлаш мумкин эмаслигини уқтирганлар.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизникига келганларида онам мени чақириб: “Олдимга кел, сенга бир нарса бераман”, деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Унга нима бермоқчийдинг?” дедилар. Онам “Хурмо бермоқчи эдим”, дедилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Билиб қўй, агар ҳеч нарса бермаганингда ёлғончи деб ёзилиб қолардинг”, дедилар (Абу Довуд ва Байҳақий ривояти).





ОЛИЙЖАНОБЛИК

Қалбни ғиллу ғашликлардан, ёмон ниятлардан тозалаш инсонга руҳий хотиржамлик бағишлайди, унда жамиятнинг бошқа аъзоларига муҳаббат пайдо қилади, у жамият аъзоларига олийжаноблик билан муносабатда бўлишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ёшларнинг қалбини турли иллатларда муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратганлар. Бу борада у зотнинг кўп йиллар ўз хизматларини қилиб юрган ва ҳамиша ёнларида набавий тарбияни ўрганган саҳобалари Анас ибн Моликка (розияллоху анху) қилган насиҳатлари ибратлидир. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам улғайиб қолган Анас ибн Молик розияллоху анхуга шундай деганлар: “Эй ўғлим, агар эрта туриб ва кунни кеч қилиб биронта кишига дилингда кек ва ғашлик сақламасанг, шуни қил!”. Сўнг сўзларига шуларни қўшимча қилдилар: “Эй ўғлим, бу менинг Суннатим, ким менинг Суннатимни барпо қилса (тирилтурса), ўша киши жаннатда мен билан бирга бўлади” (Имом Термизий ривояти).

Жаннатда бўлиш, бўлганда ҳам Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга бўлиш олий бахт. Бундай улуғ мукофот эса қалбини ёлғон, нафрат, ҳасад, разиллик каби турли иллатлардан тозалаган олийжаноб инсонларга насиб этади. Фарзандларимизда олийжаноблик хислатларини тарбиялаш ер юзидаги ҳаётимизда ҳам, охират дунёсида ҳам ўта керакли фазилат бўлгани учун ўғил-қизларни олийжаноблик, бошқаларга гўзал муносабатда бўлиш руҳида ўстириш исломий тарбиянинг асосий вазифаларидан бўлиши керак.

ОЗОДАЛИК ВА ТАРТИБ

Мусулмон ота-оналар ўз фарзандларини ёшлигиданоқ озода, пок, ҳар бир ишда тартибли бўлишга ўргатиб боришлари керак. Чунки бу динимизнинг талаби, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг умматга кўрсатмаларидир. Саҳиҳ ҳадисларда ке-

лишича, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: «Албатта, Аллох хушҳолдир – хушҳолликни суяди, озодадир – озодаликни суяди, карамлидир – карамни суяди, сахийдир – сахийликни суяди. Бас, ҳовлиларингизни озода тутинг! Яҳудийларга ўхшаманг!» дедилар» (Имом Термизий ривояти).

Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг ушбу қақриқлари ҳар бир мусулмоннинг доимо ёдида туриши, буни ўз фарзандларига ҳам етказиши зарур. Ҳовли-жойларимиз, кўча-кўйларимиз, турар жой ва майдонларимиз – ҳамма жойни озода ва покиза тутишимиз лозим. Токи кўрган одам ҳавас қилсин. Бошқалар озода жойни кўрса «Бу жойда мусулмонлар яшайди шекилли», дейдиган бўлсин.

Саҳл ибн Ҳанзалиядан ривоят қилинади: “Бизга Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “Албатта, сизлар биродарларингиз ҳузурига борурсизлар, либосингизни тузатинглар, юкларингизни тузатинглар, одамлар ичида худди холдек бўлинглар”, дедилар” (Имом Аҳмад, Абу Довуд, Табароний ва Ҳоким ривояти). Бу жуда яхши фазилатдир, барча мусулмонларнинг қариндош-уруғлари ва яқинлари, диндош биродарларига муносабатларида қўллашга тарғиб қилинган хислатларидандир. Мусулмонлар ўзлари истиқомат қиладиган ҳовли ва уйларни, маконларни ҳамиша тоза, покиза ва обод ҳолда тутишга эришишлари, уларни турли кераксий буюмлар ва чиқиндилардан мунтазам тозалаб туришлари, айниқса бу ишларга ёш болаларни ҳам жалб этишлари талаб этилади.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари бундай ишларда бошқаларга ибрат бўлиш билан бирга, болаларга иложи борица кечикмай ана шу ахлоқий қоидаларни ўргатиб боришга кўп аҳамият берардилар. Имом Бухорий ва Муслимларнинг ривоят қилишларича, Анас ибн Молик (Аллох ундан рози бўлсин) шундай деган: “Менинг Умайр исмли кичкинтой укам бор эди. Бир кун Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам уйимизга келган эдилар. Укам ўйнаб юрган кичкина қушча ўлиб қолди. Укамнинг бундан қаттиқ хафалигини кўрган Набий алайҳиссалом “Эй жажжи Умайр, нима бўлди нуғайр (қушча)?” дедилар. У зот бизникида эканларида намозга азон айтиб қолинди. Шунда у зот укам икковимизга ўзлари ўтирган шолчани супуриб-тозалашни буюрдилар ва намозимизга имом бўлдилар”.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг Анаснинг оиласига, ҳатто кичкина Анас билан жажжи Умайрларга шолчани тозалашни буюришлари уларни тозалик сари йўллаш эди. Тозалик ва поклик исломий ҳаёт тарзининг муҳим қисмидир. Шунинг учун бунга ёш болаларни кичиклигидаёқ кўниктириб бориш керак бўлади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг тозаликка чорлашлари Анас ва Умайр учун бир умрли тарбиявий сабоқ бўлган эди.

БУНДАЙ ФУТБОЛ КИМГА КЕРАК?

Араб дунёсига катта футбол кириб келди. Бугун бу ерда футболга бўлган қизиқиш Лотин Америкасидагидан ҳам қолишмайди. Афсуски, футбол билан бирга унга йўлдош бўлган муаммолар ҳам қўшилиб келди. Бу муаммоларнинг орасида ёшларнинг гулуга кетиши (ёшлар экстремизми) ҳам бор.

Энг йирик араб мамлакати бўлган Мисрда ҳам “футбол мутаасиблари (фанатлари) ҳаракати” пайдо бўлиб, унинг тўкилган қон ва қурбонлар бўйича рекорд ўрнатиши камлик қилгандек, улар бугун ҳеч тугамаётган зўравонлик ва қирғинларни келтириб чиқарувчи қалтис ўчоққа айланди.

«ВА ЖИННИЛИК БОШЛАНДИ»

Россия мусулмонлари диний идораси Осиё қисмининг вакили Расул Тадиряков ўзи гувоҳ бўлган Қоҳирадаги футболга бўлган ишқибозлик ҳақида сўзлаб бераётиб, таассуб кўламининг кенглигидан ҳайратда қолганини яшира олмаганди: “Футбол майдонидаги ўйин бошланиши билан йигирма миллион киши яшайдиган бу улкан шаҳар ҳувиллаб қолди. Тахминан кечки соат тўққиз эди, бошқа кунлар бу пайтда шаҳар дошқондек қайнаётган бўларди. Сўнгги йилларда Мисрда футболнинг аҳамияти шу қадар ортиб кетдики, мамлакат терма командаси ўйнайдиган кундаги оломонни кўриб, бугун ҳайит намозмикан, дейишингиз мумкин. Ҳайит куниям, футбол куниям кўчада одам қолмайди. Фарқи шуки, Ийд кунлари ҳамма масжидга бориб, фарз ва вожиб ибодатни адо этади, маъруза тинглайди, яъни халқ диний маросимларини бажаришга киришади. Футбол ўйини телевидение орқали намойиш қилинаётганда эса, мусулмонлар баъзилар «шайтон» деб атайдиган ана шу кутининг олдида тикилиб олиб, бақир-чақир қилиб футбол кўришади. Ўша куни ўқишдан қайтаётиб, дўконга кирдим. Кирдим, эшик олдида туриб қолдим — менга ҳеч ким эътибор ҳам бермади. Сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам бурчакдаги телевизорга тикилиб турар, ўйинга қизиқиб, нақ экраннинг ичига кириб кетай дейишарди. Анча урингач, ушбу муассасанинг ходимларидан бирини бир амаллаб ўзимга қаратдим. Ҳуши ўзига келгач, у аввало «Сен Миср томонмисан ё Жазоир тарафмисан?» деб сўради. Мен эса на у ва на бу томонга, дедим, сўнг унинг ўзидан: «Футболдан бошқа ташвиш йўқми сизларда?», дедим. Сотувчи эса дарҳол «Худого шукр, йўқ» деди. Шунда мен ундан: «Ироқ-чи, Фаластин-чи?» деб сўрадим, бироқ у саволимни эшитмади ҳам. Чунки шу пайт у севган ўйинчи майдонда мудофаа чизигини босиб ўтиб, рақиб (!) дарвозаси томон югуриб қолди ва... эҳ... афсус..., рақибнинг (!) омади келди. Буларнинг ҳаммаси “Араб баҳори” деб аталаётган нарсалардан анча олдин юз берган эди. Сўнгги пайтларда содир бўлаётган бундай воқеаларни “мусулмонларнинг таназзули” деб аташ мумкин. Ўйин тугагандан кейинги аҳволни кўрсангиз эди, сўзларимга

ана шундагина ишонардингиз. Мисрликлар кўчаларда Жазоир байроқларини ёқиб юборар, йиртар, парчаларни эса эшакларнинг бошларига кийдириб қўйиб, хумордан чиқишар эди. Кўпчилиги асли жазоирлик бўлган француз талабаларга дўконларда хизмат кўрсатилмас, улар таксиларга олинмас, баъзиларига эса ақлдан озган фанатлар томонидан тажовузлар ҳам қилинар эди. Икки диндош қўшни мамлакатнинг мусулмонлари “футболизм” касалига чалиниб, ўзининг янги, сохта “дин”лари учун бир-бирларини ғажиб ташлашга тайёр турсалар, энди буни нима деса бўлади?! Фақат шунинг ўзи бўлса майлидир...Энг ёмони, бундай фанатлар асосан жоҳил, илмсиз йигитлар бўлиб, олимларга эргашмаса, мушук боласидек кўзи очилмай юраверади. Бундан ҳам ёмони, Миср олимлари (баъзиларидан ташқари, албатта) муаммони кўрмаганликка олиб, мусулмонлар орасида авж олиб бораётган бу касалликни даволашга уринишмаяпти ҳам. Бир устозим аччиқланиб шундай деган эди: «Ал-Азҳар раҳбарияти қаёққа қараяпти ўзи? Улар учун бугунги кундаги энг муҳим, долзарб масала ниқоб масаласими ёки ўқув дастури матнларнинг қай тарзда тузилишини кузатиш холосми?»

Яна бир россиялик блоггер Андрей Благосколов ҳам Тунисда, шом вақтида футбол фанатизмига гувоҳ бўлганини айтади: “Мен ўз меҳмонхонам олдида тинчгина сайр қилиб юрган эдим. Бирдан шовқин-сурон бошланиб кетди. Аввалига йўлда автоуловларнинг қандайдир тикилинчи юзага келди. Халқнинг ғазабга келаётгани шундан бўлса керак, деб ўйладим. Кейин маълум бўлишича, кичик бир ички чемпионатда маҳаллий команда ғолиб бўлган экан. Ана шунда ҳақиқий жиннилик бошланди: шаҳарнинг деярли барча аҳолиси бир зумда кўчаларга чиқиб, ғалабани нишонлай кетди. Араблар байроқларни кўтариб олиб, кўчаларни машиналарга тўлдиришганча қўшиқ айтишар ва кўчалардаги ҳаракатни тўхтатиб ҳам қўйишганди. Кейин полиция уларни ҳайдашга мажбур бўлди. Бироқ тўдага янги-янги машиналар келиб қўшилар эди. Гўёки ҳеч ким четда қолмаган эди. Кўча ва майдонларда сайёҳлардан битта ҳам қолмади, улар меҳмонхоналардан чиқишга журъат қила олишмади. Бу орада кўчадаги одамлар

янада кўпайиб борар эди... Хуллас, ҳамма ғалабани нишонлаётган эди”.

ШАЙХЛАР РЕКОРД ҚЎЙИШМОҚДА

Футболга қизиқиш бой хонадонларни ҳам четлаб ўтмади. Араб шайхлари номдор футбол клубларини сотиб олишга тушишди ёки клубларда ўз улушларига эга бўла бошлашди. Улар «Арсенал», «Милан», «Сарагосу», «Портсмут», «Манчестер» ва ҳоказоларга пул тикиб қўйишган. Ғарб олигархлари каби улар ҳам номи чиққан ўйинчи ва мураббийларни ўз командаларига шошилишча жалб қилишмоқда. 2022 йили Қатар ўзида жаҳон чемпионатини ўтказмоқчи. Режаларга кўра, бу тадбир учун 200 миллиард доллар ҳам сарф қилмоқчи экан. Бу рақамлар ўнлаб унча бой бўлмаган мусулмон мамлакатларининг йиллик бюджетига тенг бўлиб, сарф қилинажак пуллар мутлоқ рекорд ҳамдир.

Футболни яхши кўриш тақиқланмаган, фақат мутаассиблик қилиш ман қилинган. Ислон нутқай назарига кўра, спорт билан қизиқиш гуноҳ эмас. Спорт мусобақаларини томоша қилиш ҳам тақиқ қилинмаган, фақат фарзлардан чалғимаслик шарти билан ва яна таассубга берилиб кетмаслик лозим. Инсон тарафидан содир этилган ҳар қандай амални унинг ниятига қараб баҳолаш керак.

Футбол мутаассиблиги (фанатизми) фақат арабларга хос иллат эмас. Ушбу маълумотлар муаллифининг бир таниши қуйидаги кузатувларини ҳам баён қилган. У Туркияда бўлган вақтларида доимий равишда намозларини катта масжидларда адо қилиб юрган экан. 2002 йилги Жаҳон чемпионати бўлаётган кунларда эса, Туркия терма жамоаси яхши натижалар кўрсатишга муваффақ бўлди. Унинг сўзига кўра, ўшанда жамоат намозларида зўрға бир-икки саф намозхон йиғилган экан.

ФУТБОЛ ВА ҚОН

Футболга бўлган жиннилик 2012 йили 1 феврал куни Порт-Саидда фожиа билан тугади. Жуда кўп қурбонлар пичоқланди. “Бу футбол эмас, бу урушдир”, деди “Ал-Ахли” жамоасининг ярим ҳужумчиси Муҳаммад Абу Тариқа. — Одамлар шу ерда, кўз ўнгимизда ҳалок бўлишмоқда! Бу ерда даҳшатли воқеалар содир бўлмоқда. Бу кунни мен ҳеч қачон унутмайман!”

Бироқ футбол майдонларида ва ташқарисида қон тўкилиши тўхтагани йўқ. Маҳкама қарори ўқиб эшиттирилгач, бир неча кун давом этган норозилик чиқишлари давом этиб турди. Ўттизга яқин одам ҳалок бўлди, 170 дан ортиғи турли хил тан жароҳатини олди. Футбол фанатлари билан бўлиб ўтган тўқнашувлар ўша куни давлат тўнтаришига айланиб кетишига сал қолди. Миср парламенти аъзоси Ассам Ариананинг сўзига кўра, Порт-Саиддаги воқеалар олдиндан пухта режалаштирилган тадбирдир. “Бу эски режимнинг қилиқларидир”, деди у.

ҲАРБИЙЛАР ҚЎЛИДАГИ ҚЎҒИРЧОҚМИ?

Миср ва Туркиядаги футбол фанатларининг ҳаракатлари жиддий сиёсий кучга айланмаганида ҳеч қан-

дай гап йўқ эди. Улар Таҳрир ва Тақсим майдонида мухолифат ҳаракатининг суягини-асосини ташкил қилди. Анархиячилар, норасмий ва турли тоифадаги ўсмирларнинг жиноий гуруҳлари баланпарвоз шиорлар билан қотилликлар, вайронагарчилик ва зўравонликларни уюштирдилар. Улар ҳанузгача бу бедодликларни ва бебошликларини давом этиришмоқда.

Агар Ғарбда футбол фанатлари сиёсий мафкура сифатида миллатчиликни танлашаётган бўлса, мусулмон оламида эса бунинг акси, улар ҳаммага таниш бўлган инқилоб руҳидаги либерализмни танлашапти. Бироқ бу билан моҳият ўзгаргани йўқ. Айнан ўша оломонни ғарб матбуоти исломийчиларни ҳукуматдан ағдариб ташлаган “инқилобий ёшлар” дея мадҳ этиб келмоқда. Қонуний сайланган Миср президенти Муҳаммад Мурсийни ағдариб ташлашда етакчи куч бўлган Миллий Наҳот фронти кўпдан буён футбол безорилари ҳамда уларга яқин жиноят доираларига суяниб келади. Улар бир неча марта буларни “Мусулмон биродарлар”га қарши ташлашган эди. Жуда катта тўполонлар содир этилди. Харбийлар эса охир-оқибат футбол фанатларини ўз сафларига қўшиб, уларни қонуний сайланган ҳукуматга қарши намойишларга жалб қила олди. Оқибат нима бўлгани барчага маълум.

Сўнгги кунларда Россияда кузатилаётган ҳаддан ошиқ хунук миллатчилик ҳаракатининг ўзаги ҳам футбол фанатлари асосида ташкил қилинган жамоалар экани айтилади. Футболга муҳаббат баҳонасида ташкил қилинган фанатлик клубларининг спортга ҳеч қандай алоқалари қолмаяпти, балки булар манфур сиёсий мақсадларни кўзлаган кучларнинг қўлларида қўғирчоққа айланиб бўлди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда футбол оддий ўйинлик доирасидан чиқиб, сиёсий найранглarga айланиб бормоқда. Европадаги черков мутасаддилари яқшанба кунги футбол ўйинларидан шикоят қилишарди. Чунки ҳафтада бир марта черковга бориш ҳам шу футболни деб йўққа чиққан эди. Бу муаммо уларнинг орасида анча олдинроқ кўзга ташланган бўлса, бугун эса айнан ушбу муаммо билан мусулмон ўлкалари юзма-юз бўлиб турибди. Агар биз ҳолатни тўғри тушуниб, “футболизм” номли янги “дин”нинг хатарларидан ёш авлодни огоҳлантирмасак, бу муаммо яшин тезлигида уларнинг зеҳнларини заҳарлаши табиий! Натижада келажак авлоднинг истиқболини хатарга қўйган бўламиз.

Спорт миллатни дунёга танитишда энг яхши воситадир. Бунга барча яқдиллик билан қўшилади. Лекин спортдаги мутаассиблик балоси миллатлар орасида низо ва ихтилофларга сабаб бўлади. Низолардан эса ғаразли сиёсатчилар доимо ўз манфаатлари йўлида кенг фойдаланишади. Алап-оқибат оддий ишқибозликдан сиёсий қўғирчоқлик домига тушиб қолинади. Бундан огоҳ бўлишимиз зарур.

Интернет маълумотлари асосида
Абу Муслим тайёрлади.